



# Халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш ва саноат ривожига хизмат қиладиган лойиҳаларни шижоатли ёшлар билан амалга оширамыз

Президент Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни саноатнинг юқори технологик тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда амалга оширилаётган лойиҳалар, маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш, янги корхоналар қурилишига старт бериш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини муҳокама қилиш мақсадида Жиззах вилоятига ташриф буюрди.



Биринчи манзил Фориш туманидаги “Basalt Uzbekistan” кластери бўлди.

Фориш ҳудуди бўйича вилоятда энг катта туман. Лекин ердан фойдаланиш самарадорлиги анча паст эди. Адир ва яйловларда, асосан, чорва боқилиб, саноат корхонаси йўқ эди.

Етти йил аввал Форишга саноат кириб келди — Олмоссой конидан базальт тошини қазиб олиб, ундан тола тайёрлаш йўлга қўйилди. Ноёб, инновацион технология асосида қурилиш саноати учун муҳим бўлган арматура ва сеткалар ишлаб чиқарила бошланди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил январь ойида бу корхонага ташриф буюриб, унинг фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шу асосида бозордаги талаб, хомашё олинган конлар ўрганилди. Германия, Франция, Италия, Чехия каби давлатлардан энг замонавий технологиялар келтирилди. Натижада 300 гектар майдонда умумий қиймати 498 миллион долларлик олти лойиҳа ташкил этилиб, корхона кластерга айланди.

Давлатимиз раҳбари хомашё тошлари ва тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

Кластерда йилга 177 минг тонна базальт тошидан махсус тола, директ ровинг, фибра, арматура, композит геосетка, қурурлар, мато ва иссиқлик-изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ўтган йили 45 минг тонна

554 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган. Уларга дунёда талаб юқори. Маҳсулотларнинг 80 фоизи АҚШ, Англия, Польша, Италия, Чехия, Грузия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинган. Кластерда 1 минг 700 дан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Мутахасссларнинг айтишича, базальтдан тайёрланган қурилиш материаллари зангламайди. Енгил, лекин мустаҳкам. Бетон қоришмаларининг ишқорли муҳитига, тузли ва кислота аралашмаларига чидамли. Деворга базальт материали ишлатиш мустаҳкамликни оширади, бинода иссиқликни яхши сақлайди. Енувчан эмаслиги яна бир муҳим томони. Шу билан бирга, маҳсулот нархи ҳам нисбатан арзон.

Ушбу маҳсулотларни коммунал хўжалиги, автомобилсозлик, тўқимачилик, нефтьгаз ва бошқа тармоқларда қўллаш бўйича тақдимот қилинди.

Президентимиз бунинг афзалликларини тадбиркорларга тушунтириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича кўрсатма берди. Янги давлатларга сифат сертификатлари олиб, ташқи бозорга чиқишни янада фаолаштириш, халқаро қурилиш ва саноат компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йил кластер корхоналаридан бири — “Басфайбер трейд” томонидан йилга 25 минг тонна базальт тошидан тола ва мато ишлаб чиқариш қуввати яратилади.

Ҳозирги пайтда 145 миллион долларлик зарур ускуналар келтирилган. Бу янги лойиҳа асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ички эҳтиёжни қоплаш билан бир қаторда, 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

Мутасаддиларга шу ернинг ўзида 500 миллион долларлик, қўшилган қиймати юқори бўлган 20 турдаги янги лойиҳаларни жойлаштириш вазифаси қўйилди. Натижада қўшимча 2 мингта иш ўрни пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидов туманида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди. Вилоятда илгари ҳеч бундай кенг қўламли қурилишлар бўлмаган эди. Сўнгги йилларда ўнлаб заводлар ишга туширилди, янги саноат тармоқлари пайдо бўлди. Шунга яраша ижтимоий инфратузилма ҳам барпо этилмоқда.

Шароф Рашидов туманининг бу ҳудуди адир ёнбағри, ундан деярли фойдаланилмас эди. Ҳозир 140 гектарли улкан майдонда жадал қурилиш кетмоқда. Лойиҳа уч босқичли бўлиб, 3 минг 936 хонадонли 105 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган. Уйлар 9, 12 ва 16 қаватли бўлиб, бу ҳам Жиззах шариоатида янгилик.

Айни пайтда биринчи босқич доирасида 204 хонадонли 4 та кўп қаватли уй, марказий қозонхона, шоурум ва ички йўллар қурилган. Яна 16 та турар жой, мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, савдо маркази бунёд этилади. “Иннотехнопарк” аҳолини иш билан таъминлашда қўл келади.

Иккинчи босқич 2026, учинчиси 2028 йилларга режа қилинган. Бунда уйлардан асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ички эҳтиёжни қоплаш билан бир қаторда, 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари бу йил режалаштирилганга қўшимча уйлар қуриб, имтиёзли ипотека кредитлари орқали аҳолига харид имкониятини яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Шунга мутаносиб равишда инфратузилма тармоқлари, мактаб, болалар боғчаси каби ижтимоий муассасалар қурилишини жадаллаштириш, савдо ва хизматлари, жумладан, йўл бўйида умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Жиззах вилоятида учта шундай массив барпо этилмоқда. Уларда 4 минг 700 хонадонга эга 156 та кўп қаватли уй қурилади. Аҳоли барча ижтимоий хизматлар билан таъминланади. “Янги Ўзбекистон” массивлари қуриш ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги фармонида мувофиқ бошланган. Умуман, мамлакатимизда 53 та массивда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган. Бугунги кунда 14 минг 400 та хонадонли 409 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Жорий йилда бундай массивларда 31 минг 447 та хонадондан иборат 767 та турар жойлар қурилиши белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов туманидаги Туёқли маҳалласида

бўлиб, аҳоли турмуш шароити ва даромадлари билан қизиқди.

Маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда энг қулай ва ҳаммабоп имкониятлардан бири томорқадан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартдаги “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларидagi иссиқхоналарни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан катта имкониятлар белгиланди.

Бундай омилкорликни Туёқли маҳалласида ҳам кўриш мумкин. 678 та хонадоннинг деярли ҳаммасида томорқа бор. Уларнинг жами майдони 36 гектар. Мевали дарахтлар, ток ва сабзавотлар яхши ҳосил беради. 314 та хонадондаги иссиқхоналарда полиз экинлари ва гул кўчатлари етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерлик Абдумўмин Каримов хонадонини кириб кўрди. Уйнинг томорқаси 12 сотих, шундан 7 сотихида иссиқхона барпо этилган. Бундан ташқари, чорва, товуқ, асалари боқилади. Хонадон эгаси рўзғорбоп экинлар етиштириб, йилга 200 миллион сўмдан зиёд даромад олаётганини сўзлаб берди.

— Уртача маҳалладаги шу оддий хонадон мисолида кўрпимизки, оиланинг ўзида ҳаракат бўлса, яхши даромад топса бўлади. Аҳоли ихтиёрида томорқалар, ундан

фойдаланаман деган инсонлар ҳам кўп. Фақат уларга ёрдам бериш керак. Масалан, маҳаллий корхоналарни жалб этиб, иссиқхона қурилмалари, воиш, асалари уяси, кўчат, уруғлик ва озуқаларни яхлит тўплам қилиб, арзон нархда етказиб бериш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент шу ерда “маҳалла еттичилиги” билан суҳбатлашди. Жойлардаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали оилаларнинг даромадини, харид қобилиятини ошириш ҳақида сўз юритилди. Бу уларнинг ҳаёт сифатида, саломатлигида, фарзандлари камолида акс этиб, жамият ривожига ҳисса бўлиб қўшилиши таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “ADM Jizzakh” автомобиль заводи фаолияти билан танишди. Олдинлари Жиззах вилояти саноат кўрсаткичлари энг паст бўлган ҳудудлардан бири эди. Бугунги кунда ҳар бир туманга саноат кириб борди.

Вилоят саноатини ривожлантиришда “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси катта ўрин тутмоқда. У маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республикада учинчи, экспорт ҳажми бўйича эса олтинчи ўринда туради. Кейинги йилларда унинг фаолияти такомиллаштирилиб, ишлаб чиқаришга қулайлик кенгайтирилди. Бугунги кунда саноат зонасида 33 та лойиҳа амалга оширилиб, 7 минг 670 киши ишламоқда.

➔ Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат, хайру саховат, маънавий покланиш айёми бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини бу йил юртимиз мўмин-мусулмонлари ўзгача шуқуҳ ва ҳамжihatлик билан ўтказдилар. Айниқса, раҳмат ва мағфират нурлари ёғиладиган ушбу саодатли кунларда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилаётгани, барча ҳудудларимизда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида эҳсон дастурхонлари ёзилиб, эл-юртимизнинг тинчлиги, бахти ва келажаги учун дуойи фотиҳалар қилинаётгани бу ойнинг файзу тароватини янада оширмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай савобли ва олийжаноб ишлар ер юзидagi барча инсонларни доимо дўст ва биродар бўлиб

яшашга даъват этадиган муқаддас ислом динимизнинг эзгу гуяларини чуқур ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни, турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлашга, бугунги ёруғ ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Муборак Рамазон Ҳайити кунларидан янада яққол намоён бўладиган ана шундай аънава ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини **10 апрель** — **чоршанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2024 йил **10 апрель** куни Рамазон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон Ҳайитини халқимизнинг **миллий аънава** ва **урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон Ҳайити кунларидан **мўътабар**

**зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 8 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон Ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олийжаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “**Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида**”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан, жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **426** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **135** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **200** нафари жазони ўташдан мuddатидан

илгари шартли озод қилинди, **26** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазосини енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **65** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг мuddатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг **11** нафарини чет эл фуқаролари, **50** нафарини аёл, **13** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **157** нафарини ёшлар (шулардан, **3** нафари вояга етмаганлар) ҳамда **5** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш бўйича маъсул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

# ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ ВА САОАТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЛОЙИХАЛАРНИ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРАМИЗ

## Бошланиши 1-бета

“ADM Jizzakh” масъулияти чекланган жамияти сонаот зонасида самарали фаолият юритаётган корхоналардан бири. У 2021 йилда ташкил этилган. Утган уч йилда “Kia”, “Chery” ҳамда “Naval” брендлари остида 23 турдаги 36 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган.

Лойиҳа доирасида 234 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағлар ўзлаштирилиб, 1 минг 800 та иш ўрни яратилди.

Биринчи босқичда йирик узелли йиғув йўлга қўйилган эди. Бир вақтнинг ўзига заводни кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилиб, жорий йил март ойида янги бино ва қувватлар ишга туширилди. Янги юқори технологияларни жалб қилган ҳолда, штамплаш, пайвандлаш, бўяш ва йиғишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёнини атрофлича кўздан кечирди.

Корхона юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган. Улар Жанубий Корея, Япония ва Германия каби давлатлардан келтирилган. Заводда 30 та робот бор, ишлаб чиқариш жараёни 33 фаз автоматлаштирилган. Автомобилнинг юриш қисмлари созлани, статик ва динамик тормоз тизимини текшириш жиҳозлари ўрнатилган.

Президентимиз заводда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, юртимиз сонаот корхоналарини билан кооперацияни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу борада ишлар бошланган. 2024-2027 йилларда 348 турдаги бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш режалаштирилган. Айна пайтда мамлакатимиздаги 21 та корхона билан кооперация тизими йўлга қўйилган.

Умуман, корхонада йилгига 100 минг дона энгил автомобиль ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Натижада келгусида иш ўринлари сони 3 мингга етказилиши кўзда тутилган.

Автомобиллар сифатини янада ошириш мақсадида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой ва Вьетнам давлатларидан малакали мутахассислар жалб этилди. Бу борада хорижий ҳамкорлар билан жорий йилдан бошлаб дастлаб 50 нафар муҳандис Жанубий Корея ҳамда Хитойдаги тадқиқот ва лойиҳалаш марказларида малака оширишга юборилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари заводда ишлаб чиқариш бошланган янги “Kia Sonet” автомобилни кўрди.

Охириги беш йилда Жиззах вилоятига 4 миллиард доллардан ортиқ инвестициялар қилиб келган. 50 триллион сўмлик сонаот маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 861 миллион долларлик экспорт қилинган.

Бу йил вилоятда 2 миллиард долларлик 400 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларда 11 мингта янги иш ўрни очилади.

Давлатимиз раҳбарига бу соҳадаги режалар тақдимот қилинди. Хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар 6 миллиард 100 миллион долларлик 50 та лойиҳани амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Лойиҳалар тоғ-кон, машинасозлик, электр техникаси, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика каби талаб юқори соҳаларда. Мўҳими, уларнинг натижасида қарийб 20 минг янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз инвесторларга лойиҳаларни амалга оширишда омад тилади. Мутаассадиларга уларнинг ижросини алоҳида назоратла олиш топширилди.

Ўзбекистон Президентини Жиззах вилоятига ташрифи чоғида сонаот ва энергетика лойиҳаларининг бошланишига бағишланган маросимда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида барчани яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити билан табриклаб, халқимиз манфаати йўлидаги ҳаракатларга хайр-баракат тилади.

Маълулми, сонаот ривожини барқарор энергетикага боғлиқ. Шу боис, бу икки соҳа мутаносиб ривожлантирилмоқда. Биргина 2023 йилда мамлакатимизда 4 минг 600 та сонаот корхоналари ишга туширилди.

Сонаот 6 фойзага ўсиб, 656 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Умумий қуввати 2,4 гигаваат бўлган 7 та йирик иссиқлик, қуёш ва шамол электр станциялари тармоққа уланди. Бундан ташқари, 14 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига 12 гигаваатли 31 та электр станцияси барпо этилмоқда. Бу йил Навоий, Бухоро, Наманган, Тошкент ва Қашқадарёда 2,6 гигаваат қувватлар тармоққа уланди. Умуман олганда, муқобил энергетикани ривожлантириш ҳисобига жорий йилда “яшил” энергиянинг генерациядаги улуши 30 фойзага етади.

— Биз бу ишларни халқимизга муносиб турмуш шароити ҳамда сонаотимиз ривожини учун узлуксиз энергия таъминотини яратиш мақсадида амалга оширялмиш. Бу ҳамма ҳудудларда яхши анъанага айланиб улгурди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жиззах вилоятида ҳам бундай лойиҳалар кўп. Улардан бири — Галлолар туманида барпо этиладиган, металлургияга ихтисослашган сонаот зонаси. У ерда 500 миллион долларлик 7 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, арматура, пўлат шарлар, қувурлар, автомобиль қузови ва махсус техникалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳудудда божхона омбори ҳам бўлади. Жами 5 мингта иш ўрни яратилади.

Иккинчи лойиҳа — Форш туманида Хитойнинг “China Poly Group” ва “China Electric” компаниялари билан ҳамкорликда қуриладиган қуёш электр станцияси. 350 миллион долларлик ушбу мажмуа 500 мегаватт қувватга эга бўлади. Унда йилгига 1,1 миллиард киловатт соат “яшил” энергия ҳосил қилинади. Бу 450 минг хонадоннинг энергия таъминоти яхшиланади, дегани. Станциянинг дастлабки 200 мегаватт қуввати шу йил якунида тармоққа уланади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тумани босиб, мазкур икки мажмуа қурилишини бошлаб берди.

Яқин йилларда Шароф Рашидов, Форш ва Галлолар туманларида яна 1 минг 660 мегаваттлик иссиқлик, шамол ва қуёш электр станциялари ҳам қурилади. Булар аҳоли

турмуш даражасини ошириб, иқтисодиёт ривожига қўшимча туртки бўлади.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “BMB Holding” компаниясининг Шароф Рашидов туманидаги агрологистика мажмуасини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги экспортнинг салоҳияти юқори. Бунда маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган агрологистика марказлари жуда муҳим.

“BMB Holding” компаниясининг ўтган йил декабрда ишга тушган мажмуаси ҳам шулардан бири. Бу лойиҳанин умуллий қиймати 57 миллион доллардан зиёд. Мажмуада йилгига 10 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда 8 минг тоннани бирламчи қайта ишлаш имконияти мавжуд. 180 киши доимий иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини ва экспортга тайёр маҳсулотларини кўздан кечирди.

Логистика марказига мева-сабзавот маҳсулотлари Жиззах вилояти ва қўшни ҳудудлардан олиб келинади. Утган йили “BMB Holding” тизимидagi агрокластер томонидан 1 минг 200 дан ортиқ фермердан шартнома асосида 16 турдаги 52 минг тоннадан ортиқ ҳосил олинди.

Жорий йилда Сайхунобод тажрибаси асосида 2 минг 485 нафар аҳоли томорқалари билан кооперация асосида шартнома қилинади. Шунингдек, 4 мингта яқин фермер ҳўжалигининг 1 минг 500 гектар майдонида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Бунинг натижасида кластер негизида қўшимча 32 мингтадан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилади.

Мажмуада фитосанитар ва санитар-эпидемиологик сертификатлаш лабораторияси, божхона ҳамда банк филиаллари, хостел ташкил этилган. Лаборатория Россия, Хитой, АҚШ ва Германия давлатларидан келтирилган 34 та энг замонавий ускуна билан жиҳозланган.

Қарантин ҳодимлари шу ернинг ўзида маҳсулотларни кўриқдан ўтказилади.

Мўҳими, улар томонидан расмийлаштирилган фитосанитар сертификат 119 та давлат томонидан тан олинди.

Бу каби имкониятларнинг мавжудлиги корхонанин экспорт салоҳияти ва географиясини оширмоқда. Бугунгача Қозоғистон, Покистон, Россия Федерацияси ва Хитойга қарийб 43 миллион долларлик маҳсулот юборилди. Жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажмини 58 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Президентимиз бундай агрологистика марказларини бошқа ҳудудларда ҳам кўпроқ ташкил этиб, уларга муайян дала-ларни ва маҳаллаларни бириктириш зарурлигини таъкидлади. Бу тадбиркор учун етарли маҳсулот, аҳоли учун кафолатли харид имкониятини беради.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, 2017 йилда ташкил топган компания таркибида бутун 4 та қўшма ва 26 та шўъба корхона мавжуд. Иқтисодиётнинг турли жаба-ҳаларида қарийб 11 миллиард 500 миллион долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги “BMB Opera Zafferano” қўшма корхона томонидан 400 гектарлик заъфарон плантацияси яратилди. Етиштирилган маҳсулотлар USDA ORGANIC сертификатига эга бўлиб, Италия, Австрия, Голландия, Франция, Жанубий Корея, Саудия Арабистони каби давлатларга экспорт қилинмоқда. АҚШ бозорига кириш учун ҳам FDA рухсатномаси берилган.

Келгуси уч йилда бу лойиҳанин қиймати 80 миллион еврога етказилиб, заъфарон етиштириш ҳажми 1,8 тоннадан 20 тоннага оширилади. Давлатимиз раҳбари бу режаларни маъқуллаб, заъфарон майдонлари ва экспортни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида барпо этилган Киберспорт арена-сида ёшлар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 ноябрдаги қарорига мувофиқ, киберспорт турлари оммалаштирилмоқда. Жумладан,

Жиззах шаҳрида собиқ теннис корти биноси ўрнида киберспорт аренаси ташкил этилди. 1 минг 200 томошабинга мўлжалланган асосий зал замонавий ҳолатга келтирилди. Шунингдек, бу ерда 12 та ўқув ва машғулот хоналари, мажлис зал, 35 ўринли ётоқхона ҳамда кафетерий мавжуд.

Арена универсал бўлиб, бокс, кураш, баскетбол, стол теннис, шахмат, шашка бўйича халқаро мусобақаларини, “Беш та-шаббус” тадбирларини ҳам ўтказиш мумкин. Мажмуа таркибидagi IT академиясида ёшларга компьютер саводхонлиги, хорижий тиллар, график дизайн, дастурулаш, робототехника ва бошқа йўналишлар ўқитилади. Бу соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” тизимини амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда киберспорт, шахмат, “Заковат” интеллектуал ўйинлари, баскетбол мусобақаларини кузатди, ёшлар билан мулоқот қилди.

— Бугун Жиззахнинг кўп жойларида бўлди, янги лойиҳаларни бошладик. Албатта, вилоятнинг иқтисодиёти, бунёдкорлик кўлами аввалгидан анча юқори. Лекин энг муҳим ютуқ — ёшларнинг ҳаракати, нияти, ўзига ишончи. Биз белгилаб олган Стратегияни, катта марраларни шундай ёшлар билан амалга оширамыз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ташриф давомида мутасаддилар арена фаолиятига доир режалар хусусида сўзлаб берди. Хусусан, жаҳон чемпионатларида иштирок этиш учун турли даражадаги турнирлар гойилари билан дўстлик мусобақалари ўтказилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни профессионал спортга йўналтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛЮБОВ, Абдужалол ҚАНОМОВ, Ўза Мухбирлари

## Шукуҳ

Покланиш, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, бағрикенглик, эзгулик ва саховат оий бўлган муборак Рамазоннинг ҳам сўнгги куни қолди. Ҳайит арафасидаги ушбу кутлуг паллаларда ҳаммамнинг кўнглига шундай файзли ва баракотли кунларга етказгани учун Парвардигорга шукроналик туйғуси инган. Саодатли қалбидан шундай бахотли ойланин яна кўпини кўриш умиди жой олган. Қалбларга имон нурини бахш этадиган ушбу улуг айёмни юртимизда ҳўкм сураётган тинчлик ва осойишталик муҳитида, оилалар бағрида, эл-юрт даврасида кутиб олаётган ҳар бир юртдошимиз бунинг учун Ҳақ таолога чексиз шукрона келтиради.



Шовосил ЗИЁДОВ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Жорий йил Ўзбекистон аҳли муборак Рамазонни ўзгача, одатдагидан кўтаринки руҳда кутиб олди. Чунки бу муқаддас ой арафасида халқимиз Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаган бўлса, Рамазон кириб келганидан кейин Наврўз умумхалқ байрамини тантана қилди.

8 март байрами Рамазон ойдаги хайрли тадбирларга тайёрларининг дебосчаси бўлди, десак янгилишган бўлаам. Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан она-хонларимиз ва опа-сингилларимиз соғлигини мустаҳкамлаш, иш билан бандлигини

# САХОВАТ, ЭЗГУЛИК ВА ПОКЛИК БАЙРАМИ

таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳўжмасини кучайтириш вазибалари алоҳида белгиланиши баробарида умуммиллий аҳамиятга эга гоят муҳим мақсад ҳам баён этилди. Янги ўғил-қизларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, миллий гурур, Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳўрмат руҳида вояга етказиш барчамизнинг асосий бурчимиз эканидан келиб чиқиб, ёшлар тарбиясига эътиборни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, бундай деди: “Биз маънавий тарбия ишларини энди мутлақо янгиҳа усулда олиб боришимиз керак. “Эзгулик — ширимиз, маърифат — қуролимиз” деган ғўя асосида бу жараёни аввало оилалар, маҳалладан бошлашимиз лозим. Зотан, ҳадис шарифда айтилганидек, “Ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан бошқа мерос қолдирулмайдми”. Мухтарам опа-сингилларимиз, дуоғўй онахонларимизнинг масъулияти айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади”.

Эзгулик ва маърифат муқаддас динимизнинг асосий тамойилларидан. Шу боис, мазкур чакриқни Рамазон ойига тайёрларининг ўзига хос ибтидоси, дейиш мумкин.

Мусулмон дунёси 11 мартдан қалби ва руҳини поклашга киришиди. Кимдир саховат-пеша бўлиб, одамларга егуликлар улашяпти, ифторликлар ташкил этияпти. Яна кимдир Меҳрибонлик уйларига, ижтимоий ҳўмоёга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатяпти. Бундай хайрли ишларни қилаётганлар имкон қадар шахсини сир тутяпти. Янни бунда риё йўқ. Улар халқимизнинг “Яхшилик қил, дарёга ташла, балик билар, балик билмасча ҳам Ҳўлик билар”, “Унғ қўлинг берганини чап қўлинг билмасин” сингарии ҳўкматларига риоя қиляпти.

Ҳамюртларимизнинг қалбидаги саховатта янада кўпроқ интилиш ҳўссин, Рамазон кайфияти шундай хайрли амалларда кўриниш бераётгани умуллий ижтимоий манзарада яққол намоён бўляпти. Маънавий покланиш, сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўладиган моҳи Рамазонни миллий анъана ва қадриятларимизга мос тарзда, юксак савияда ўтказиш, юртимиз мусулмонларининг ибодат амалларини эмин-эркин адо этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятида ўтказилган ифторликда қатнашгани Ўзбекистон тарихида мисли қўрилмаган воқеа бўлди.

Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда ҳам

юртимизда Рамазон муҳити қарор топанганининг аломатини кўрамыз: “Бугун оби раҳмат ёмғирлари билан осмондан ризқу рўз, кут-бароқа ёғмоқда. Ҳаммамиз бу ҳўлатни шукроналик билан қабул қиламыз”.

Ҳа, Рамазон вақати саховат ва покланиш эмас, барака оий ҳўмдир. Бу ойда ислом уммати ибодат, сабр, саховат ва риёзатга бошқа ойларидагига қараганда, каттароқ ва кучлироқ масъулият билан ёндашиди. Кундалик ибодатлар баробарида Қуръон тиловати, хайрли амаллар ва эҳсонни кўпайтиради, закот беради. Шу сабабли мусулмонлар Рамазон ойини ўзгача интиқлик билан кутади, уни бошқача тақво билан ўтказида. Бу ойда кўпчилик шу чоққача босиб ўтган ҳаёт йўли тўғрисида кенгроқ мушоҳада қилади. Рамазонда Яратганга қалбини таслим этиб, кундузлари ейиш-ичишдан, турли кўнгли-хўшликлардан воз кечган инсон иродасини чиққитириб, тоблаб боради.

Озиқ-овқат ва ичимликдан тийилишда катта ҳўкмат бор. Инсон бир парча нонга, бир ҳўплам сувга зор бўлганларнинг

(ўз яшаш жойида) ҳўзир бўлса, рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунларининг) санағи бошқа кунлардандир. Аллоҳ сизларга энгилликни истадий, оғирликни хоҳламайди. Бу — ҳўсбони тўлдиришининг ҳамда ҳўдиятга бошлагани учун Аллоҳга тақбир (ҳамду сано) айтишининг учундир. Шояд шукр қилсаларингиз?” (Бақара сураси, 185-оят).

Ҳақ таоло Ўзининг абадий мўъжизаси, қиёматгача инсониятга ҳўдият бўладиган китоби бўлиш Қуръони каримни нозил қилиш вақти элиб Буржон шарифини ихтиёр этганининг ўзи бу ойнинг фазилати нақадар юксак эканини кўрсатади. Рўза ибодатини айни Рамазон ойида адо этишни фарз қилгани эса нур устига нур, фазилат устига фазилатдир. Бу ойнинг биринчи ўн кунлиги — раҳмат, иккинчиси — мағфират, охиригиси — жаҳаннамдан халос бўлиш даври экани пайғамбаримизнинг кўпбал ҳадисларида баён этилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анҳудан пайғамбаримизнинг қуйидаги сўзлари келтирилган:

“Қодир Аллоҳ айтади: “Одам боласининг ҳар қандай иши унинг ўзи учун, фақат рўза мустасно, рўзани Мен учун тутайди, унинг ажрини ҳам Ўзим бераман”. Рўза қалқондир, сизлардан бирингиз рўза тутса, ҳар қандай ёмонликдан сақлансин ва овозини баландлатмасин. Кимдир унга ёмон гапирса ё жанжаллашмоқчи бўлса, “Мен рўзадорман!” десин”.

аҳволини ич-ичидан ҳўс этилади. Бу туйғу унда раҳм-шафқат, саховат ва бағрикенглик фазилатларини ривожлантиради. Инсон қўли очироққ бўла боради, мискинларга ёрдамини кучайтиришга ҳаракат қилади. Поклик, ибодат ва тақво қалбини юмшатади ва қусурларидан халос бўлишига ёрдам беради. Шу боис, бутун ислом оламиди Рамазон оий оризқиб кутиладиган, Ҳақ таолога яқинлаш ш имконини берадиган муборак ва қувончли палла саналади. У Парвардигорнинг бандаларга улуг инояти ва улкан ажру савоб неъматидир. Зеро, бу кунлар тан учун неъматлардан тийилиш даври бўлса, қалб учун ором онларини тўхфта этади.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Рамазон оий — одамлар учун ҳўдият (манба) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳўжжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Са, сизлардан ким бу ойда

“Қодир Аллоҳ айтади: “Одам боласининг ҳар қандай иши унинг ўзи учун, фақат рўза мустасно, рўзани Мен учун тутайди, унинг ажрини ҳам Ўзим бераман”. Рўза қалқондир, сизлардан бирингиз рўза тутса, ҳар қандай ёмонликдан сақлансин ва овозини баландлатмасин. Кимдир унга ёмон гапирса ё жанжаллашмоқчи бўлса, “Мен рўзадорман!” десин”.

Рамазон нафси жиловлаш ойдидир. Рўза тутган инсон ташқи оламнин озода сақлаш, феълини яхшилаш, тили ва кўзини тийишдан ташқари ички дунёсини ҳам поклайди — тубанлик ва разолатга бошловчи ўй-хаёллардан чекинади. Риё қилмайди, дили ва руҳини тарбиялайди. Шундай қилмас экан, унинг рўзаси қуруқ очлик ва ташналик билан ўзига жабр етказишдан бошқа нарса бўлмай қолади. Аллоҳ қалби тоза бўлмаган банданин озиқ-овқат ва ичимликлардан тийилишига муҳтож эмас.

Бу ой, аввало, қалбини поклаш, феъл-атворни айб ва нуқсонлардан холи қилиш палласидир. Йил давомиди йиғилиб қолган хатоларни мулоҳаза қилиб, тақорламастик йўлини маҳкам тутиш салоҳиятига мана шу ойда эришиш имконияти кўпроқ бўлади. Чунки нафсини жиловлаши инсонни фақат яхши томонга ўзгартиришга хизмат қилади. Киши бекорчи ўй-хаёллар, олди-қочди гап-сўзлар, беҳуда хатти-ҳаракатлардан тийилиши, ёмон одатларни тарк этиши билан комиллик йўлига ўтади. Соғлом турмуш тарзининг фойдаларини жисму тани ва руҳиятида ҳўс этиб, афзалликларига гувоҳ бўлади ва ишонч ҳўсил қилади. Буларнинг барчаси шукронани кучайтиради.

Ҳар йили жисм ва руҳни шундай риёзатдан ўтказиш орқали инсоннинг ички дунёсини ўзгартади. Бора-бора у фақат Рамазонда эмас, умуман, бутун ҳаёти давомида саҳийроқ раҳмилроқ бўлади. Янни Рамазон тутгасида, бу хайрли ишлар якун топмайди. Йил алфитр байрам қилинганидан кейин ҳам инсон ўй-хаёллари ва хатти-ҳаракатлари назоратини бўнаштирмайди.

Юртимизда Рамазон ойига давлат даражасида эътибор берилади. Ҳар йили бу ойни, Рамазон ҳайитини муносиб ўтказиш тўғрисида Президент қарори қабул қилиниши бу фикрнинг ёрқин далилидир. Бир неча йилдан буюн таровиҳ намозлари чоғида қилинадиган қишлоқ Қуръон ҳам гузал тарзда тартибга солиб келинганга гувоҳ бўлялмиш. Мана, намозхоналарга қулай бўлиши учун бутун мамлакат бўйлаб таровиҳ намозининг вақти аниқ қилиб белгиланди. Қайси кун Муҳаффи шарифининг қаеридан қаеригача ўқилиши кўрсатиб берилди. Янни турли сабабларга кўра, ўзи қатнаб юрган масжидга эмас, бошқасига бориб қолган одам хатмининг келган жойидан давом этиши борасида ҳеч иккинчи ланмади. Охирида бутун мамлакат Қадр кечасида ётпасига, даярли бирга дуо қилди. Бу одат гузал анъанага айланиб улгурди, деб бемалол айтиш мумкин. Ҳар йили теле ва радиоканалларимизда айнан ифторлик ва саҳарлик пайтларга мўлжаллаб маърифий кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланади. Қўсқаси, рўзадорлар нафақат жисман, балки маънан ўз-ўзини тарбиялаб, тақомиллаштириб бориши учун барча чоралар кўриланган.

Виждон эркинлиги ҳақида сўз борар экан, маърифий юксалиш, аждодлар меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида ишларга тўхталмай илож йўқ. Юртимизда қўсқа вақтда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Ҳадис илми мактаби ташкил қилинди. Бухородаги Мир Араб мадрасасига янни ҳаёт бахш этилди.

Бу муассасаларнинг барчаси халқимизнинг кўп асрлик илмий-маънавий меросини ўрганиш, диний ва дунёвий жиҳатдан тадқиқ этиш, миллий ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш билан бирга, давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга ҳам хизмат қилади, албатта.

Халқимиз Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний каби ислом илмлари тараққиётида гоят салмоқли ўрин тутган аждодлари билан ҳам ҳақли равишда фахрланади. “Саҳих ул-Бухорий” ислом оламиди Қуръони каримдан кейинги мўътабар манба саналади. Дунё мусулмонларининг катта қисми Имом Мотуридий ақидасини асосий тў

Тараққиёт ришталари

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ ҲАМ, ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАМ КАТТА



Обид ҲАКИМОВ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсатида кўшни давлатлар билан ҳамкорлик биринчи рақамли устувор масалага айланди. Бунинг натижаси ўларок, сўнгги йилларда, хусусан, Қозоғистон билан ташқи савдо, ўзаро инвестициялар, кооперация алоқаларини кенгайтириш, транспорт соҳасида илгари фойдаланилмаган ҳамкорлик салоҳияти фаол рўёбга чиқарилмоқда.

доллар (23,6 фоиз), энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари — 254,4 миллион доллар (8,4 фоиз), кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар — 189,1 миллион доллар (6,2 фоиз), машина ва ускуналар — 103,4 миллион доллар (3,4 фоиз).

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Қозоғистондан жами экспорт таркибда асосий улушни (50-60 фоиз) хомашё маҳсулотлари (минерал маҳсулотлар, рангли ва қимматбаҳо металллар ва бошқалар) эгаллайди, улар асосан, учинчи мамлакатларга етказиб берилади.

Шу билан бирга, хомашё маҳсулотни ҳисобланмаган товар турлари, айниқса, икки мамлакатда талабгир бўлган тайёр маҳсулотлар билан ўзаро савдонинг ўстириш бўйича катта истиқболлар мавжуд.

Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистон Қозоғистонга 188,8 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ёки уларнинг жами экспорти ҳажмининг 9,4 фоизини, 480,2 миллион долларлик 37 минг 977 дона енгил автомобиль ёки жами автомобиль экспортининг 95 фоизини, 95,5 миллион долларлик электротехника маҳсулотларини экспорт қилди.

Қайд этиш жоизки, икки давлат ҳукуматлари 2027 йилга бориб, озиқ-овқат, тўқимачилик, автомобиль, электротехника, қора металллар, нефтьгаз маҳсулотларини етказиб бериш орқали ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини 10 миллиард долларгача ўстириш вазифасини қўйган. 2023 йил март ойида ташкил этилган UzKazTrade

инвестициявий алоқалар кучайди. Евроосиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, сўнгги 7-8 йил ичида минтақамиз мамлакатлари ўртасидаги ўзаро тўғридан тўғри инвестициялар ҳажми йилга ўртача 9,2 фоизга ошиб бормоқда. Минтақага ўзаро тўғридан тўғри инвестициялар ҳажми (2023 йилнинг биринчи ярмида) 1,1 миллиард долларни ташкил этди, бу 2016 йилги кўрсаткичдан 1,8 баробар кўп. Ўзаро капитал қўйилmalarининг асосий

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо айланмасида Қозоғистон 2023 йилда 7 фоиз улуш билан учинчи, мамлакатимизнинг МДХ давлатлари билан савдосида 21,4 фоиз билан иккинчи, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдода 61,1 фоиз улуш билан биринчи ўринни эгаллади.

2017-2023 йилларда Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
<b>Савдо ҳажми (миллион доллар.)</b>								
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>1898,9</b>	<b>2055,7</b>	<b>2919,6</b>	<b>3335,0</b>	<b>3005,8</b>	<b>3920,6</b>	<b>4651,1</b>	<b>4398,9</b>
Экспорт	945,0	1057,6	1352,2	1393,0	908,4	1178,4	1407,5	1372,5
Импорт	953,9	998,2	1567,4	1942,0	2097,3	2742,2	3243,5	3026,4
Сальдо	-8,9	59,4	-215,3	-549,0	-1189	-1563,8	-1836,0	-1653,9
<b>Ўзбекистон ташқи савдоси умумий ҳажмида Қозоғистоннинг улуши (фоизда)</b>								
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>7,8</b>	<b>7,7</b>	<b>8,7</b>	<b>8,0</b>	<b>8,3</b>	<b>9,3</b>	<b>9,2</b>	<b>7,0</b>
Экспорт	7,8	8,4	9,7	8,0	6,0	7,1	7,1	5,6
Импорт	7,9	7,1	8,1	8,0	9,9	11,6	10,5	7,9

Манба: Ўзбекистон статистика агентлиги.



қўшма ташқи савдо компанияси бунга ҳисса қўшиши мақсад қилган, унинг таъсисчилари “QazTrade Савдо сиёсатини ривожлантириш маркази” АЖ ва “УзТрейд” АЖ ҳисобланади. Мазкур компания фаолияти икки мамлакат бозорларида товарларни сотиш учун савдо онлайн-платформасини ўз ичига олади. UzKazTrade фаолияти давомидида жами 1,3 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишга улгурди.

Минтақавий инвестициялар

Марказий Осиё мамлакатлари томонидан тўпланган кирувчи хорижий инвестициялар ҳажми 211 миллиард долларни ташкил этди. Евроосиё тараққиёт банки (ЕОТБ) маълумотларига кўра, 2010 йилдан 2021 йилгача минтақада тўпланган кирувчи инвестициялар ҳажми 2,1 баробар, 2000 йилдан буён эса 17,2 баробар ўсган. Шу билан бирга, минтақамиз мамлакатларига тушган (2021 йил) ва тўпланган 211,4 миллиард доллар инвестициянинг 163,3 миллиард доллари (77 фоизи) икки мамлакат — Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

2016 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Марказий Осиёда минтақаларо

йўналишлари: хомашё тармоқлари (31,7 фоиз), қайта ишлаш саноати (25 фоиз) ва молиявий хизматлар (21,9 фоиз). Ўзаро инвестициялар қазиб олувчи тармоқларнинг улуши камайди.

Минтақадаги асосий ички инвесторлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳисобланади. Қирғизистон 63 фоизлик улуш билан минтақада ўзаро инвестицияларнинг асосий олувчиси саналади. Ундан кейинги ўринларда Ўзбекистон (24 фоиз) ва Қозоғистон (11 фоиз) туради. Минтақадаги йирик лойиҳалар Қозоғистоннинг “Kaz Minerals”, “United Cement Group”, “Халқ банки” ва “Ишончли капитал” ҳамда Ўзбекистоннинг “Antel” ва “Alliance Textile” компаниялари томонидан амалга оширилмоқда.

Самарали йўналишлар

Давлатларимиз ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик юқори суръатларда ўсмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда Қозоғистон капиталли иштирокидаги корхоналар сони 2019 йил бошидан (510 та) буён 2,4 баробар кўпайиб, бугунги кунда 1200 дан ошди. 2023 йилда қўшни давлатнинг мамлакатимизга киритган инвестициялари ҳажми 197,7 миллион долларни (жами инвестициялар ҳажмининг 1,2 фоизи) ташкил



этди, шундан 45 фоизи тўғридан тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестицияларнинг 46 фоизи ишлов бериш саноатига, 30 фоизи уй-жой қурилишига, 9 фоизи молия ва сугурта фаолиятига, 8 фоизи улгуржи ва чакана савдога, моторли транспорт воситалари ва мотоцикллари таъмирлашга, 4 фоизи қишлоқ хўжалигига ва 3 фоизи кўчмас мулк операцияларига йўналтирилган.

Хозир Қозоғистоннинг Ўзбекистон билан инвестициявий алоқалари умумий қиймати 400 миллион долларлик 12 лойиҳани ўз ичига олади, улардан тўққизта-сини (285 миллион долларлик) Қозоғистон томони амалга ошироқда. Инвестицияларнинг салмоқли улуши Қозоғистоннинг “Халқ банки” томонидан 100 миллион доллардан зиёд ТТХИ билан Tenge Bank шўба корхонасининг ҳиссасига

Транспорт-логистика масалалари

Икки мамлакатнинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлиги, жумладан, халқаро транспорт йўлакларини ва халқаро транспорт инфратузилмасини яратиш бўйича босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Бу экспорт маҳсулотларини икки мамлакат ҳудуди бўйлаб учинчи давлатларга етказишда транспорт харажатларини камайтиришга хизмат қилади.

Ҳамкорликни ривожлантириш ва қўшимча қиймат занжирини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон 2023 йил ноябрь ойида Хукуматлараро битим тузиб, икки давлат чегарасида “Атамекен” (Қозоғистон) ва “Гулистон” (Ўзбекистон) чегара ўтказиш пунктлари қяндида “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси марказини ташкил этиш бўйича келишувга эришди. Унинг техник ишга туширилиши 2026 йилнинг тўртинчи чораига тўғри келиши кутулкимоқда. Марказининг расмий очилиши 2027 йилнинг биринчи ярмида ўтказилиши режалаштирилган. Икки республика ҳукуматлари лойиҳанинг биринчи босқичида камда 70 миллион доллар инвестиция жалб этишга умид қилмоқда. Унинг асосида томонлар импорт ўрни босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирган.

Шунингдек, Ўзбекистон — Қозоғистон чегарасидаги “Ғишт кўприк” — “Жибек жولي” ўтказиш пункти ҳудудида “Марказий Осиё” халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик маркази қурилиши кўзда тутилган. Марказининг умумий майдони 400 гектар бўлиб, ўтказиш қобилияти — ҳар икки йўналишда кунига 35 минг киши ва 5 мингта юк машинаси. Марказ давлатларимиз ўртасида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йирик саноат ва савдо-логистика майдонига айланиши кўзда тутилган.

Транзит-транспорт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз катта истиқболга эга. Темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль ўтказиш пунктларини модернизация қилиш бўйича янги йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган, юкларни ташини учун қўлай тариф сиёсати шакллантирилган. Юк ташини кўрсаткичлари ўсиб бормоқда. Хусусан, темир йўл орқали жами юк ташини ҳажми 2023 йилда 17,2 фоизга ортиб, 31,4 миллион тоннани ташкил этди. 2022 йилда бу кўрсаткич 26,8 миллион тоннага тенг бўлган эди.

Истиқболли йўналишлар

Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари иштирокида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама форматларда иқтисодий ҳамкорликни сезиларли даражада кенгайтириш учун фойдаланилмаган катта салоҳиятга эга. Хусусан, Халқаро савдо маркази (ТС) методологияси бўйича олиб борилган ҳисоб-китоблар минтақа мамлакатларининг ўзаро савдода 1,2 миллиард доллардан зиёд муқдордаги амалга оширилмаган экспорт салоҳияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ҳар икки давлатда юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хомашё бўлмаган маҳсулотлар экспорти улушини кўпайтириш бўйича вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан мавжуд ресурсларни ҳисобга олиш ҳолда, ишлов беришчи саноат соҳасида қўшма саноат кластерлари ташкил этиш ҳамкорлигининг истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Саноат кооперациясининг истиқболли соҳаларига иқтисодийнинг ишлов беришчи сектори, жумладан, машинасозлик, аграр саноат комплекси, енгил саноат, шунингдек, транспорт ва логистика соҳалари кирди.

**1. Транспорт ва логистика.** Давлатларимиз муҳим транспорт йўналишлари, жумладан, Марказий Осиёдан Хитой, Россия, Европа ва Жанубий Осиёга транзит йўллари чорраҳасида жойлашган. Икки мамлакат ўртасидаги транспорт йўлакларини ва инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, транспорт тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича қўшма лойиҳалар савдо айланмаси ва иқтисодий ҳамкорликни сезиларли даражада кучайтириши мумкин.

Транспорт соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ягона тариф сиёсати билан шимол-жануб ва орта қайтувчи йўналишда тўғридан тўғри олиб борадиган транспорт маршрутларини

шакллантиришга хизмат қилади ва бу икки томоннинг транзит салоҳиятини оширади.

Ушбу соҳада янги экспорт бозорларига чиқиш ва фойдаланиладиган транспорт йўналишларини диверсификация қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган муҳим лойиҳалардан бири “Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” йўналиши бўйлаб темир йўли қурилиши ҳисобланади. У “Термиз — Мозори-Шариф” темир йўлининг давомии бўлади. Ушбу Трансафғон йўлининг қурилиши Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини қисқа ва тежамкор транспорт йўналиши билан боғлашга ёрдам беради, бунда Ўзбекистон ва Қозоғистон темир йўл тармоқлари фаол иштирок этади, бу эса уларнинг рентабеллигини оширади.

**2. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати.** Ҳар икки давлат қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга. Бу соҳадаги ҳамкорлик қишлоқ хўжалиги технологиялари алмашинуви, аграр лойиҳаларга инвестиция киритиш, шунингдек, икки мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун сотиш бозорларини кенгайтиришни ўз ичига олиши мумкин. Бунга қуйидаги воситалардан фойдаланиш ёрдам беради:

— қўшма агросаноат кластерлари — чегара ҳудудларида қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларини, қишлоқ хўжалиги техникасини ва ускуналарини ишлаб чиқарувчиларни бирлашмаларини ташкил этиш. Масалан, чегарадош вилоятларда озуқа экинлари етиштириш бўйича Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма кластерларини яратиш мумкин, унда кластер иштирокчилари ўртасида тажриба ва ресурслар алмашинуви ишлаб чиқариш самардорлиги ва бозорда рақобатбардoshiлини оширишга хизмат қилади;

— ҳар икки мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кейинги қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш учун жамлангани мумкин бўлган қўшма савдо майдончалари ёки савдо марказларини ривожлантириш. Масалан, чегарада қўшма омбор мажмуаларини ташкил этиш мумкин, уларда маҳсулотлар кейинчалик ҳам икки бозорга, ҳам экспортга жўнатилиш учун сараланади ва тақсимланади;

— ветеринария ва биологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш;

— технология алмашинуви ва ўқитиш. Ушбу йўналиш доирасида Ўзбекистондан Қозоғистонга ёки у томондан бизга келган мутахассислар учун семинарлар, махорат дарслари, ўқув дастурлари ва амалиётлар ташкил этилиши мумкин.

**3. Инқирозни бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик механизминини яратиш** қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олиши мумкин:

— қишлоқ хўжалиги хатарларини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг қўшма тизимларини ишлаб чиқиш, об-ҳаво прогнозлари, иқлим ўзгариши ва озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омиллар тўғрисидаги маълумотларни алмашиш орқали инқирознинг эрта олдини олиш ва унга қарши чоралар қўриш механизминини яратиш. Масалан, деҳқончилик ва чорвачиликни қуатиш учун қўшма метеорологик марказлар ёки тармоқлар яратиш;

— инқирозни бошқариш бўйича режа ва тадбирлар ишлаб чиқиш инқирозли вазиятларга жавоб қайтариш учун қўшма хозирлик, шунингдек, халокати ҳодисалар эз берганда табиғий муҳофиза қилувчи ва гуманитар ташкилотлар ҳаракатини мувофиқлаштиришни ўз ичига олади. Масалан, инқирозли вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш, вақтинчалик бошпаналар ташкил этиш, озиқ-овқат ва сув билан таъминлаш бўйича қўшма тренинглари ва машғулотлар ўтказиш;

— инқирозли вазиятлар, жумладан, озиқ-овқат захираларини яратиш, маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш ва тақсимлаш дастурларини ташкил этиш, шунингдек, гуманитар ёрдам соҳасида биргаликда ҳамкорлик қилиш орқали озиқ-овқат маҳсулотларидан барқарор фойдаланишни таъминлаш. Масалан, қурғоқчилик ёки бошқа инқирозли вазиятларда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ва тарқатиш учун қўшма фондлар яратиш.

**4. Инновациялар ва юқори технологиялар жорий этиш.** Иқтисодийнинг инновацион ва юқори технологияли секторларини ривожлантириш икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик учун қўшимча туртки бўлиши мумкин. Тажриба алмашиш, қўшма илмий тадқиқот лойиҳалари, шунингдек, инновацион кластерлар ва технопарклар ташкил этиш ҳар икки иқтисодийни ривожлантириш ва жаҳон бозориди уларнинг рақобатбардoshiлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, тажриба ва технологиялар алмашинуви қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга инновацион ечимлар жорий этишни ўз ичига олади. Масалан, бу чорва молларини сунъий ургунлантиришнинг янги усулларини таъбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг замонавий навларидан фойдаланиш, шунингдек, маҳсулотларни қайта ишлаш ва консервация соҳасида янги технологияларни жорий этиш бўлиши мумкин. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодий ва аҳолиси ўстани сари икки мамлакат ички бозорининг умумий салоҳияти ҳам ошиб боради, улар ўртасидаги кооперация алоқалари ва ўзаро савдонинг кенгайиши эса уларнинг инвестициявий жойбардорлигини ошириб, икки давлат иқтисодийнинг ривожланиш суръатларини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Яшил макон

ҲАР БИР КЎЧАТНИНГ НАРХИ ВА ҚИЙМАТИ БОР



Баҳорда табиат уйғонади. Тирик мавжудот борки, яшилликдан, яшаришдан куч олиб, гўзалликка бурканади. Дарахтлар куртак ёзиб, барг чиқаради. Бу вақтда ерга қадалган ҳар бир ниҳол, кўчат йиллар ўтиб, улкан дарахтга айланиш баробарида, кўшимча кислород манбаи бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотларга кўра, бир кишининг кун давомида кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак экан. Энди 8 миллиард одам кислородга тўйиниши учун қанча дарахт керак бўлишини тасаввур қилаверинг.

Юртимизда 2021 йилдан буён бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам шу. Йилда икки марта ўтказилаётган лойиҳанинг долзарб 40 кунлик тадбирлари давомида мамлакатимиз бўйлаб ўн миллионлаб туп дарахт ва ўсимлик кўчатлари экилатгани сир эмас. Мақсад яшил майдонларни кенгайтириб, бу орқали экологик муҳитни яхшилаш, ҳавонинг ифлосланиш даражасини камайтиришдан иборат. Бу йилги баҳор мавсуми ишлари ҳам бошлаб юборилди. Лойиҳа доирасида 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Ҳудудларда боғлар яратиш, йўл бўйларига 10 қаторлик дарахтзорлар ташкил этиш бўйича ишлар ҳам жадвал бормоқда. Ҳар бир туман, маҳалла, кўчада экилаётган кўчатлар эрта бир кун ўсиб, катта дарахтга айланиши ният қилинган.

Хайрли ҳаракатнинг натижаси ёмон бўлмайди, албатта. Аммо экилган кўчатлар нобуд бўлмаслиги, қилинган ҳаражат ва меҳнат эса кетмаслиги муҳим масала. Узингиз ҳисоблаб кўринг: бир дарахт кўчати ҳозирги кунда ўртача 5 минг сўмдан 50 минг сўмгача бўлса, бир худудга ўртача нархдаги юзта кўчат экиш, камида 1,5 миллион сўм ниҳолнинг ўзига ҳаражат қилинади. Бундай худудлардан минглаб эканини ҳисобга олсак, лойиҳанинг бир мавсумида қанча ҳаражат қилиниши тахминий ойдинлашди. Афсуски, ерга қадалган дарахтларнинг ҳаммаси ҳам тутиб кетмайди. Одатда, бунга парваришдаги эътиборсизлик, кўчат экиш ишларига илмий ёндашмаслиги, худудларнинг иқлим шароити инобатта олинмасдан, дуч келган дарахт кўчатлари экилиши ҳолатлари ҳам сабаб бўлади. Натижада дарахтлар, ўсимлик кўчатларининг нобуд бўлиши, аввало, экологик, қолаверса, иқтисодий жиҳатдан катта зарар келтиради.

Ҳўш, умуммиллий лойиҳанинг бу галги мавсумида мазкур жиҳатларга қанчалик эътибор қаратиляпти, илмий ёндашляпти? Тупроқ-иқлим шароити ва экологик вазиятдан келиб чиқиб, худудларда қандай дарахт ва ўсимлик кўчатлари экиляпти? Шу каби саволлар билан Ўрмон ҳўжалиги илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ ҳўжалиги бўйича фақалсафанлари доктори Нурулло МУҲСИМОВ-га юзландик.

— Тўғри таъкидладингиз, афсуски, бизда кўпинча дарахт экилди, бўлди, ўзи кўкариб кетаверади, деган нотўғри қараш бор. Шунинг учун, кўп ҳолларда, ерга қадалган кўчат ниҳоллар парваришсиз қолдирилади ва табиқий қуриб қолади, — дейди Н.Муҳсимов. — Аҳолидан ободонлаштириш ходимлари томонидан кўчаларга экилган дарахтларнинг тез қуриб қолиши борасида эътирозлар келиб тушиши боиси ҳам шунда.

Албатта, буларнинг бари жараёнга илмий жиҳатдан ёндашилмаганига бориб тақалади. Чунки нафақат кўчат танлаш, балки уларни экиш, агротехник тадбирлар, парваришни тўғри белгилаш каби жараёнларда ҳам илмий асослар зарур.

Кейинги йилларда айни шу жиҳатларга катта эътибор қаратялмиз. Ёш олимларимиз томонидан қатор илмий изланиш, тадқиқотлар олиб бориляпти ва натижалари "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида фаол таътиб этилмоқда. Юртимизда 2021 йилдан буён ташкил этилаётган ушбу йиллик лойиҳа, аввало, аҳоли орасида экологик маданиятни шакллантиришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаш керак. Чунки бу тадбирларда юртдошларимиз ўз ихтиёри билан, бажонидил қатнашляпти, бугун ва келажак авлод учун боғлар қолдиришга ҳисса қўлишига интиляпти. Лойиҳанинг гоёси, кўлами ниҳоятда кенгайиб бораляпти. Буни жорий йил топшириладиган 2,5 мингта кўп қаватли уйлар худудининг 30 фоизига, 38 та "Янги Ўзбекистон" массивларининг ҳар бирида камида 1 гектардан яшил хиёбонлар ташкил қилиниши белгиланганда ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, Экология, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига жойларда 444 та яшил боғ ва 160 та жамоат парклари ташкил қилиш, "Менинг боғим" лойиҳасини ишга тушириш вазифалари топширилган.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси йилда икки марта ўтказилиб, ҳар мавсумда долзарб 40 кунлик эълон қилинади. Бунда кўчатлар асосан, кеч куз мавсумида — йўл-кўча кетишдан олдин ҳамда эрта баҳорда — уйғонмасдан олдин экилади. Баҳорда ерга ниҳол қадаш ота-боболаримиздан қолган қадимий аңана. Аммо кеч кузда дарахт экиш ақсарият кишилар учун ноодатий ҳолат. Гап шундаки, бу олимлар томонидан таҳлил қилиниб, сўнг тавсия этилган. Айнан шу вақтларда кўчат экилса, уларнинг кўкарувчанлиги ва сақланиб қолиши юқори бўлишини таъминлаш мумкин.

Худди шундай, дарахт ва ўсимликларни экишининг ҳам ўз тартиби, илмий асослари мавжуд. Олдин қилиб айтганда, бу ҳам катта илм, асида. Масалан, дарахт ниҳолларини экишда, биринчи навбатда, тупроқ шароитига, худудга мос турларни танлаш керак. Кўчатларнинг ёшига қараб тупроқ чуқурчаларини тайёрлаш, стандарт кўчатларни танлаш ва экиш, экишдан сўнг дарҳол белгиланган меъёрга сўғориш, сугорини давомида ерни маъданли ўғит билан озиклантириш ҳам муҳим жараён. Шундангина кўчатларнинг кўкарувчанлигидан хавотир олмас бўлади.



Яна бир жиҳати, иложи борича сифатли ва стандарт кўчатлар экиш тавсия этилади. Сифатли деганда, ўсимликнинг механик шикастланмагани, яхши ривожланган бўлиши назарда тутилади. Дарахт ёки ўсимликни сувсиз жойга экмаган маъкул, боиси, биринчи ва иккинчи йили уларни доимий сўғориб туриш керак бўлади.

Экиш ишларидан кейинги агротехник тадбирлар ҳам жуда муҳим. Кўчатни эксангиз, уни ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, манаман деган яшовчан тури ҳам ўзини тутиб кетиши қийин. Ниҳол ва кўчатларни ўз вақтида сўғориш, тагини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш туриш керак. Қолаверса, дарахтларни нобуд қиладиган асосий омили, бу — зарарли организмлар ҳисобланади. Уларга қарши ўз вақтида чора кўрилмаसा, ўсимликни сақлаб қолиш қийин кечади. Бунинг олдини олиш учун ўсимлик экилганидан кейин уни доимий кузатиб бориш, касаллик ва зараркундаларга қарши ўз вақтида биологик ёки кимёвий чора кўрилиши керак. Соҳа вакиллари олдида ҳам доимий равишда дарахтларда учрайдиган янги турдаги зараркундаларга қарши экологик хавфсиз ва самарали кураш чораларини олиб бориш вазифаси туради.

— Ўсимлик ва дарахтларнинг экологик муҳитни яхшилаш, ҳавони тозалашдаги беқисс ўрнини яхши биламиз. Лойиҳа доирасида бу жиҳатларга қанчалик эътибор қаратиляпти? Умуман, юртимизда бу мавсумда асосан, қандай дарахт ва бута турлари экиляпти? Уларнинг орасида янги турлари ҳам борми?

— Албатта, турларни танлашда, биринчи навбатда, экологик муҳит ва ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичлари инобатта олинади. Айниқса, шаҳар шароитида бунга катта эътибор қаратиляпти. Чунки турли омилилар тасирини ҳисобга олиб, улар атмосферага чиқарилаётган захарли моддаларни бошқа дарахтларга қараганда, кўпроқ тутиб қолиш хусусиятига эга. Йўллар атрофида эса шовқин тутиб қолувчи дарахтлар тавсия этиляпти.

Бугунги глобал иқлим ўзгаришларига қарши чора сифатида қанча кўп замонавий технологиялар яратилаётганига қарамай, табиқатда дарахт ва ўсимликларни кўпайтириш барибир энг самарали усуллардан бири бўлиб қолмоқда. Олдинки мисол, дарахт-буталар ҳаводаги чанг миқдори ва касаллик кўзгатавчи бактерияларни камайтириб, шаҳарларда шовқинни пасайтиради. Дарахтзорлар билан қопланган худудларда кислород алмашинувини яхшилади ва уни тозалашга имкон яратади. Ўзбекистоннинг жазирама ёз мавсумида дарахтлар микроклим шакллантириш, ҳавони совитишга хизмат қилади. Ҳатто киш ойларида дарахтлар баргини тўкиб юборса-да, ҳавони чангдан ҳимоялашда давом этади. Улар атрофда табиқий манзара яратиш билан бирга, сувни тежайди ва тупроқни эрозиядан асрайди, агроф-муҳитнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилади.

Дарахтларнинг даярли ҳаммаси атмосферадаги захарли газларни ўзига ютиб, тоза кислород чиқариш хусусиятига эга. Аммо айрим турлар борки, улар бу вазифани бошқаларидан кўра кўпроқ бажаради. Асосий омилилар, мутахассислар олдида турган ҳозир назарда тутилади. Дарахт ёки ўсимликни сувсиз жойга экмаган маъкул, боиси, биринчи ва иккинчи йили уларни доимий сўғориб туриш керак бўлади.

Юртимиз шароитида асосан, чидамли, узоқ умр кўрайдиган ҳамда манзарали дарахтлар экилади. Шу билан бирга, бизда чанг, шовқин тутиб қолувчи дарахтлар тури бор. Жорий йилги лойиҳа доирасида ҳам бошқа ўсимликларга қараганда, кўпроқ



захарли чанглари ўзида тутиб қолувчи дарахтларни тавсия этилмиш. Масалан, заранг, шумтол, катапта, акация, жўка кўчатлари кўпроқ экиляпти. Сабаби, буларнинг орқа қисмида майда туклари бўлиб, улар атмосферага чиқарилаётган захарли моддаларни бошқа дарахтларга қараганда, кўпроқ тутиб қолиш хусусиятига эга. Йўллар атрофида эса шовқин тутиб қолувчи дарахтлар тавсия этиляпти.

"Яшил макон" лойиҳаси доирасида экилаётган дарахт ва ўсимликлар орасида маҳаллий турларга кенг ургу берилмоқда. Масалан, шумтолнинг бир қанча турлари, эман, заранг, лола дарахт, чинор, акация, сафоро, қайрағоч қабилар тавсия этиляпти. Чунки бу дарахтлар бизнинг иқлимимизга мос ва чидамли турлар саналади. Яна яроқбарли дарахтлар, хусусан, эман ҳам кўп экиляпти. Буларнинг бари турли касаллик, зараркундалар, қургоччиликка чидамли бўлиб, кам сув талаб этади. Шаҳар шароитида эса буталар тури кўпайган. Бута экилган жойда уруғлар кўп бўлади ва бу ўсимликнинг табиқий кўпайиб кетишига хизмат қилади.

Чинорга ўхшаган узоқ йиллик дарахтларни экиш бўйича ҳам қатор илмий ишлар олиб борилади. Масалан, эманнинг бир қанча турлари бор. Уларнинг шаҳар ва шаҳар атрофи, тоғ ва тоғлиқ худудларда ўсадиган турлари, айниқса, бизга мос келади. Олдинки пирамидадимон эманлар узоқ йил яшайдиган, сувсизликка чидамли ва тез ўрмон ҳосил қиладиган турлар саналгани боис, экинчи тавсия этиляпти.

Янги турларга келсак, бу борада ҳам ишлар фаоллашган. Нафақат дарахт, балки доривор ўсимликлар ҳам хоридан келтирилиб, ўрганиляпти. Айниқса, охириги йилларда ёш олимларимиз томонидан янги турлар устида илмий тадқиқотлар олиб борилиб, уларни экиш ва етиштириш бўйича технологиялар ишлаб чиқилган. Бу турларнинг айримлари, жумладан, манзарали жўка дарахтлари, майда баргли ва йирик баргли жўка ўсимликлари юртимиздаги кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари давомида экиляпти. Доривор миея ва эвоиди дарахтлари устида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Уларнинг уруғи Хитойдан келтирилиб, ҳозир синов тарихида етиштириляпти.

— Ясининг ўзбекча номи шумтол бўлиб, юқорида таъкидлаганимдек, ҳозир ушбу тур юртимизнинг барча худудларида экиляпти. Номи нотанишроқ туюлаётганининг боиси, бу дарахт аввалдан экиб келинганига қарамай, охириги 10 йиллар атрофида эътибордан четда қолганди. Бирок "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бошлангандан буён бу дарахт кўчати юртимизнинг барча шаҳар-туманларида экиляпти ва унинг сони йилдан йилга кўпаймоқда.

Мамлакатимизда шумтолнинг асосан, 3 та — олдин, пенсильвания ва сўғдиёна тури учрайди. Халқ тилида ясин номи билан ҳам аталдиган бу дарахт асосан, Америка ва Европа давлатларида кенг тарқалган. Шу боис, дарахтнинг олдин ва пенсильвания тури юртимизга Америкадан ва Европададан келтирилган. Сўғдиёна шумтоли эса маҳаллий тури саналади. Ушбу ўсимлик барча тупроқ шароитига мос келиши ва узоқ яшashi билан ажралади туради. Яъни тупроқ танламайди, кам сув ичади, касаллик ва зараркундаларга чидамли, асосийси, диеримизнинг барча худудда бемалол ўсаверади. Шумтолнинг атмосферага чиқётган захарли моддаларини ўзида тутиб қолиш хусусияти ҳам юқори. Шунинг учун бу ўсимлик кенг тавсия этиляпти. Унинг кўкарувчанлиги ҳам, ўзини тутиб кетиши ҳам бошқа ўсимликларга қараганда, юқори экан кузатишмоқда.

Энди унинг ўрмонлаштиришдаги аҳамиятига келадиган бўлсак, яроқбарли дарахтлар қаторига киргани боис, юртимизда ўрмонлар ҳосил қилишда асқатади. Гап шундаки, Ўзбекистон кам ўрмон билан қопланган давлатлардан бири. Мамлакатимиз ўрмон фонди ерларининг умумий майдони 11,8 миллион гектар бўлиб, шундан 3,4 миллион гектари, яъни атиги 7,7 фоизи ўрмон билан қопланган. Ўрмон фонди ерларининг 82 фоизи чўл, 14 фоизи тоғ ҳамда 4 фоизи тўқай худудлардан иборат. Шу боис, охириги йилларда табиқий ва маданий ўрмонларни сақлаш, илгор технологиялар ёрдамида майдонларини кенгайтириш ва ўрмонлаштириш даражасини оширишга катта эътибор қаратиляпти.

Бу ҳозирги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида агроф-муҳитни асраш, ҳаво мусаффолигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки санаот, автомобилсозликдаги ўсмиш тенденциялари, катта-катта шаҳарлар, қолаверса, заводлар қурилиши экологияга чиқадиган чиқиндилар сонини оширмоқда. Боз устига, қурилишлар ҳисобига дарахтлар, яшил худудлар тобора қисқариб бораляпти. Ҳавонинг ифлосланиш даражаси эса юқори нуқтада. Бу кетишда тараққиёт ёки тоза ҳаводан бирини танлашимизга тўғри келиши ҳеч гап эмас.

Қалтис қарор олдида оқибат қилишдан аввал ҳали имкониятимиз бор. Биз яшиллик томон қайтишимиз, табиқани асраб, унинг бир бўлиги бўлган ўсимликларни етиштириш, парваришларидан фаол бўлишимиз лозим. Ҳеч бўлмаганда битта ниҳол қадаб, табиқани асраш, агроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ўз ҳиссамизни қўлишимиз мумкин.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

ФАҚАТ ЭКИШ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ



Ёшлигимизда кечки пайт оила даврасида телевизор томоша қилиб, чет мамлакатларда содир бўлаётган турли тўфону ёнгинлар, кум бўронлари ҳақидаги лавҳаларни кўриб, ҳайратланардик. Афсуски, бугун бундай табиқий офатлар бизда ҳам олдинки ҳолга айланяпти. Айниқса, чўл худудларидан кўтарилаётган кум бўронлари натижасида ҳаво таркибида чанг ва туз миқдори меъёрдан ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Асосий қисми чўллардан иборат бўлган Бухоро вилоятида ҳам бундай табиқат ҳодисалари кўп содир бўлмоқда. Ҳар сафар Қорақўлга борганимда, ёқимсиз шамоллар ва булутдай ёпирилиб келадиган чанг-тўзонларга ўзим ҳам кўп дуч келдим.

Бу каби кўнглисиз вазиятдан халос бўлиш учун Қорақўл туманида саксовул, юлгин сингарни чўл ўсимликларини кўпайтириш орқали табиқат мусаффолигини сақлаш ва ён-атрофни кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор

кучайтирилмоқда. Чунки бу ўсимликлар кум кўчишининг олдини олиб, ерининг устки қисмида шамол тезлигини камайтириш имконини беради.

НИҲОЛЛАР УНИВ-ЎСИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМ

Мазкур қарорда Бухоро вилояти мисолида ҳам туз ва чанг зарарчаларининг салбий таъсирини камайтириш, чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" барпо этиш ишларини изчил давом эттириб, иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатишга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, 3 йиллик саксовулзорда кум кўчиши 55 фоизга, 5 йиллик саксовулзорда эса 79 фоизга камайаркан. Буни қарангки, саксовул буталарининг еттинчи йилида ўша худудда бу каби салбий ҳолатлар бутунлай тўхтаркан. Чунки саксовул ва юлгиннинг илдизи бақувват бўлиб, бир тупи

10 тоннагача кумни мустаҳкамлаб, кўчкиларга йўл бермас экан. Илдизи тупроққа чуқур қириб, узунлиги саккиз метргача етишидан маълумки, кумларни мустаҳкамлашда бу ўсимликлар беқисс аҳамиятга эга.

— Сўнгги йилларда ер юзиде кузатилаётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Рўй бераётган чанг-тўзонлар, ёнғинчиликнинг камайиб ёки кўпайиб кетаётгани сўзимиз таъкидидир. Вилоятда "яшил қоплама" яратишга астойдил киришилган. Жорий йилда биргина Олот тумани чўл массивларида 40 минг гектардан зиёд худудда экиш ишлари режалаштирилган

бўлиб, бу ишларга 20 дан ортиқ техника жалб қилинган, — дейди Бухоро вилоят ҳокимининг маъбуот қотиби Олим Жўраев. — Ўтган йили Жондор тумани Қорақўм чўлида 20 минг гектар, Шофиркон туманидаги Қизилқум чўлида 20 минг гектарда экиш ишлари амалга оширилган. Чўл массивларида бажарилган экиш ва ниҳол кўкартириш ишлари, аввало, аҳоли саломатлигини сақлаш ва экологик номуносивликларнинг олдини олишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Яқинда вилоят худудидан ўтган халқаро аҳамиятга молик йўлнинг 111-114 километрдаги қисми ҳамда Жондор ва Қорақўл туманларидан ўтувчи йўлнинг икки томонида 10 қатордан дарахт кўчатлари экилди. "Яшил макон" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбир азаллий удумлари ўзида жамолаган байрамга айланиб кетди. Аслида, яхши ниятда қилинадиган ишлар одамларни эзгуликка ундайди. Ерга қадалган ҳар бир ниҳол она табият мусаффолигини ошириб, инсон умрини узайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 29 март кунин "Яшил макон" лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни тақомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Айниқса, Президентимизнинг ўзимизнинг туманимиз, ўзимизнинг маҳаллаимизга эътибор



қаратиб, худудимизни обод қилиш ҳақида жон куйдириб гапиргани ҳар биримизни хайрли ишга ундайдиган эътибор даяват бўлди. Она замин бағрига қадалаётган ҳар бир кўчат кун келиб, одамлар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз лозим. Экинчи ниҳоллар ҳавони чангдан тозалаб, кислород ишлаб чиқариши билан бирга, дунёда кузатилаётган иқлим ўзгаришларига ижобий таъсир этиб, келажак авлодларга яшилликка бурканган кўм-кўк маконни ушлади.

Бухоро вилояти ҳокими маъбуот қотиби берган маълумотларга кўра, магистраль йўл бўйида 4 километр худуд, 40 метр масофагача энликда фойдаланишга киритилиб, 5 қатордан манзарали ва 5 қатордан мевали, шунингдек, гуҷум, туя арча, саксовул каби кам сув талаб қиладиган дарахт ва бута кўчатлари экилган. Қарийб 50 гектар майдон ўзлаштирилиб, қақроқ ерда ўзига хос боғ яратилган.

Танланган худуд тошлоқ ва қақроқ ерлар бўлгани боис, аввало, махсус техникалар ёрдамида текисланиб, ўғитга тўйинтирилган экин-боп тупроқ тўкилган. Дарахт экилган худудларга "Бухоросуватъини" МЧЖ томонидан томчилик сўғориш тизими ўрнатилмоқда. Қисқа кўлик айтганда, фақат дарахт экиш учун эмас, унинг унив-ўсиши учун ҳам шароит ҳозирланган.

Гуличехра САТГОР қизи, журналист

Мақсад аниқ, ресурс мавжуд. Хўш, натижа-чи? Нуқсон бора болалар билан ишлаш бир кунлик жараён эмас, балки йилларни талаб этади. Бироқ тўлиқ тузалиш ҳам кафолатланмаган — бу бир неча ички-ташқи омилларга боғлиқ. Лекин оз бўлса ҳам натижага эришиш — бундай болаларнинг жамиятга қўшилишига катта ҳисса.

Ижтимоий ҳимоя

БУ ВАТАНДА АЗИЗ ҲАР ЖОН, ҲАР ИНСОН



Жонибек АЛИЖОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш доимо ҳукумат кун тартибидagi устувор масала бўлиб келган. Бироқ иқтисодий, демографик ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар муҳтожларга ёрдам кўрсатиш усуллари тез-тез қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бу ижтимоий ҳимоянинг янги, замон талабларига жавоб берадиган, ижтимоий адолат ва аҳоли фаровонлигини кўпроқ таъминлайдиган тузилмасини яратиш талабидир.



мониторинг қилиш бошқармаси мутахассиси Фарҳод Комилов. — Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ташкил этилган "Ғамхўрлик" гуруҳида болаларнинг таълим олиши бепул амалга оширилади.

37 фоизи) махсус мослама ва восита харид қилинди, — дейди агентликнинг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционалигини баҳолаш бошқармаси бош мутахассиси Бекзод Абдуҳақимов. — Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашнинг паст кўрсаткичи уларнинг турлари чегаралангани билан боғлиқ.

берувчилар билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш вазифаси ҳам бор. Хўш, бу вазифа ижроси қандай таъминланмоқда? Натижа бўлаётми?

Амалдаги тартибга кўра, муҳтож шахсларга 18 турдаги воситалар тақдим этилмоқда. Бироқ 15 мингга яқин шахснинг бошқа турдаги воситаларга (овозли термометр ва тонометрга 6 мингта, электрон аравачага 7,6 мингта ва ҳоказо) ҳам эҳтиёжи бор. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, муҳтож шахслар Озарбайжонда 57, Россияда 64, Беларусда 59 ҳамда Қозоғистонда 60 турдаги зарур воситалар билан таъминланади.



этиш мақсадида жорий йил 25 январь кунини Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Унга кўра, энди болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжларига муҳтожлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳар бир ҳудудий бошқармалари ҳузурдаги Педагогик-тиббий-психологик комиссия (ПТПК) томонидан аниқланади. Бунда ПТПК ҳулосасини олиш учун ариза боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан яшаш жойидаги "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига ёки ҳудудга бириктирилган ижтимоий ҳодимга тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари яқинда Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган болалар учун 1-сонли "Мурувват" интернат уйига ташрифи

Муаммолар қаторида воситаларнинг ўртача нархи уларнинг бозордаги нархларига мос келмаслиги ҳам бор. Масалан, сон протези учун амалда 3 миллион сўм ажратилса-да, унинг замонавий муқобили бозорда 33 миллион сўм туради. Шу боис, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолатига тўғри келадиган воситаларни харид қилиш имкони мавжуд эмас.

Шунингдек, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган, соғлигида оғир даражада нуқсон бора болалар учун ихтисослаштирилган таълим ташкилотларида қисқа муддатли "Ғамхўрлик" гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган. Бундай гуруҳлар мактабга таълим ташкилотлари, мактаб ва мактаб-интернатларда ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари яқинда Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган болалар учун 1-сонли "Мурувват" интернат уйига ташрифи

— Қамров кўламини кенглиги ва ҳар бир категория билан сифати ишлашни таъминлаш катта куч ва ресурс талаб қилади. Шу сабаб жорий йил март ойидан бошлаб 2-босқичда яна 56 та туман (шаҳар) "Инсон" марказларида 1425 нафар ижтимоий ҳодим иш бошлади, — дейди агентликнинг Инсон ресурсларини бошқариш ва ижтимоий иш методологияси бошқармаси бош мутахассиси Бекзод Жумабоев. — Ҳозирги кунда ҳодимлар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга энг қўйин тизимда, яъни маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўрсатилаётганда, 2-босқич ижтимоий ҳодимларнинг иш бошлаши хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтиради.

— "Ғамхўрлик" гуруҳлари ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилинмайдиган, алоҳида таълимга эҳтиёжлари бўлган болаларни қисқа муддатга (4 соатгача) парвартириш, таълим-тарбия бериш ҳамда уларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади, — дейди агентликнинг Вояга етмаганлар учун ижтимоий хизматларни ривожлантириш ва

давомида эндиликда "Мурувват" уйлари замонавий реабилитация жиҳозлари билан таъминланган, ўз ишчи янги йўналиш асосида йўлга қўйилиши, болалар индивидуал ривожланиш дастурлари асосида жамиятга интеграция қилиниши, барча Мурувват уйларида учрашув хоналари ташкил этилиши билан боғлиқ концепция билан танишган эди.

Ижтимоий ҳимоя энг қўйин тизим — маҳалла даражасида кўрсатилишидан энг манфаддор тоифа ногиронлиги бўлган шахслардир. Хўш, янги тузилма ва тизим уларнинг турмуш тарзига қандай таъсир қилди? Масалан, бугунги кунда ногиронлиги бўлган 129 минг шахснинг протез воситаларига (кўл-оёқ протези, кресло-аравача, эшитув аппарати, ҳасса, кўликтаёқ) эҳтиёжи бор. Бу эҳтиёж қанчалик қамраб олинаётми? — 2023 йил давомида 47 миңлард сўмга 47 миңг 600 дона (жами эҳтиёжнинг

Шунингдек, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган, соғлигида оғир даражада нуқсон бора болалар учун ихтисослаштирилган таълим ташкилотларида қисқа муддатли "Ғамхўрлик" гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган. Бундай гуруҳлар мактабга таълим ташкилотлари, мактаб ва мактаб-интернатларда ташкил этилади.

Мақсад аниқ, ресурс мавжуд. Хўш, натижа-чи? Нуқсон бора болалар билан ишлаш бир кунлик жараён эмас, балки йилларни талаб этади. Бироқ тўлиқ тузалиш ҳам кафолатланмаган — бу бир неча ички-ташқи омилларга боғлиқ. Лекин оз бўлса ҳам натижага эришиш — бундай болаларнинг жамиятга қўшилишига катта ҳисса.

Бухоро вилоятининг Қорақўл тумани Реги Хайдар маҳалласида яшовчи Ҳамдам бобо Хайдаров яқинда 102 баҳорини қарши олди. Фарзандлари ва бир этка неваралари ёнида бағри бутун бўлиб ҳаёт эканлариди. Узоқ йиллар ўқувчиларга таълим берган отахон ҳали бирор марта бетоб бўлиб ши-фохонада ётмаган, ҳозир ҳам қадами текти, фикри теран.

Мақсад аниқ, ресурс мавжуд. Хўш, натижа-чи? Нуқсон бора болалар билан ишлаш бир кунлик жараён эмас, балки йилларни талаб этади. Бироқ тўлиқ тузалиш ҳам кафолатланмаган — бу бир неча ички-ташқи омилларга боғлиқ. Лекин оз бўлса ҳам натижага эришиш — бундай болаларнинг жамиятга қўшилишига катта ҳисса.

Мақсад аниқ, ресурс мавжуд. Хўш, натижа-чи? Нуқсон бора болалар билан ишлаш бир кунлик жараён эмас, балки йилларни талаб этади. Бироқ тўлиқ тузалиш ҳам кафолатланмаган — бу бир неча ички-ташқи омилларга боғлиқ. Лекин оз бўлса ҳам натижага эришиш — бундай болаларнинг жамиятга қўшилишига катта ҳисса.

Кексалар ўғити

102 ёшли Ҳамдам бобо Хайдаров:

ҲАММА ҲИҚМАТ ОДДИЙЛИҚДА

Ёши улуглар бор гўшанинг Ҳайз ва таровати ўзгача. Айниқса, урф-одатларимиз ва гўзал қадриятларимизни ўзида мужассам этган маҳаллада нурунийларнинг ўрни бўлакча. Улар бор жойда аҳиллик, тотувлик барқарор бўлади, кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермайди.

пари билмас" нақли бежиз айтилмаганини юракдан ҳис қиласиз. — Кўзонимиздан айланая, қаерга борсанг кўзинг қувнайди. Кўчалар кўркам, атроф обод, саранжом-сарништа. Осмонўпар бинолар кўпчилигини айтмайман. Бизнинг давримизда 4 қаватдан баянда бино бўлмаган, Қорақўл туманида ҳам осмонга қарасанг, ҳушинг учадиган баланд қаватли уйлар кўпайиб қолди. Мана бунинг янгилик, яратувчанлик, деса бўлади, — дейди Ҳамдам бобо. — Қўлни чўзсанг оёнга етадиган зап замоналар келди. Айниқса, ёшлар учун яратилаётган шароитларни кўриб ақлинг шошади. Шу имкониятлар сабаб уларнинг қадамидан ўт чакнайди, бири биридан уздабурон, шижоатли, серғайрат. Асосийси, билимли. Ўзга тилларда бийрон сўзлашига Ҳавас қилмай

бўлмас. Ёшларнинг ютуқлари, яратадиган кашфиётлари ҳақида эшитиб гурурланади киши. Бизнинг давримизда чет элга бориб-келиш шунчаки адоғи йўқ орзу эди. Ёйишга бир бурда нон топиш машаққатини айтмайман... Қийнабди ўқиганми-ми. Шунинг учун бугунги дорилармон кунларинг қадрига етиб, шукр қилиб, юртга садоқатли бўлиб яшашимиз керак. Ёшларнинг ҳар соҳада қўлга киритаётган зафарли ютуқларидан кўнглим ўсиб, қувонсам, баъзи бир ўзбек йигитларинг ўзига хос бўлмаган қилмишларидан кўнглим ўртанади. Гуруч курмасиз бўлмаганидек, ҳозирги йигитларимиз орасида ишқамас, танбаллари, биронинг пулига кун кўрувчилари, мода учун соқол қўйиб, оғзидан боди

кириб шоди чиқиб сўқиниб юрадиганлари ҳам бор. Йигит номига доғ туширадиганлари, устидаги аллам-бало кийимларни кийиб, бўйнига занжирлар тақиб, ўзини доно биландиганлари ҳам кўпайиб кетди. Уларни кўриб "ҳе, сенинг кўнглиг қўчангдан ўргилдим, нодон", дея ичимда эркачка сўқиб ҳам қўйдим. Кийими-ку, майли, аёлларга ўхшаб товусдай товланиб рақсга тушадиганлари чиққан. Уларга қараб, ўйнасанг, эркачкасига бардам-бардам ўйна, дегинг келлади. Аслида, ўзбекнинг ўғлонлари шерорак бўлади. Чунки уларнинг бошидаги дўпписи белбоғининг ўзи етти оламга машхур. Эр йигитга майда қадам, майда гап ва хонлиқ ярайшмайди. Мен қизлар ҳақида



64 нафарини қизлар ташкил этади, — дейди Қумқўрғон тумани Мурувват интернат уйи директори Зулфия Дағарова. — Уларнинг 30 нафари эмакловчи, 51 нафари ётоқдаги, 69 нафари эса юрадиган бола.

Муассасада болалар учун ўзига хос интилувчанлик муҳити яратилишига ҳаракат қилинапти. Шу мақсадда Мурувват уйида тикувчилик, тўқиш, рассомлик, пазандчилик, компьютер саводхонлиги, кароке ва рақс каби тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Тўғарақларга 53 тарбияланувчи фаол қатнашади.

Муассасада касб-ҳунар тўғарақлари ҳам ташкил этилган бўлиб, унга жами 31 бола фаол қатнашади. Улар қўл меҳнати, тўқувчилик, тикувчилик, рассомлик, сомон билан ишлаш, мусиқа, аппликация ясаш ҳамда гипс ёрдамида кулоллик соҳаларига жалб қилиниб, малакали педагог ҳодимлар томонидан касб-ҳунар ўргатиб келинмоқда.

— Бу болажонлар ҳам ўз тенгдошлари қатори ҳаётда ўз ўрнини топишга, ҳамма қатори тенг ҳуқуққа эга бўлишга ҳақли, шу сабабли Қаршидаги Мурувват интернат уйида реабилитация ишлари йўлга қўйилиб, "Қўллаб-қувватлаш клуби" тузилди, — дейди муассаса ҳодимаси Шахноза Рўзиева.

Илгари Қумқўрғондаги ногиронлиги бўлган болалар учун Мурувват интернат уйи ёпиқ ҳолатда бўлган. Агентлик ташкил этилгандан буюн бир ерда ота-оналар истисно-сиз муассаса тадбирларида иштирок этиши, фарзандлари билан вақтини бемалол бирга ўтказиши мумкин бўлди. Ҳодимларнинг ойлик иш ҳақи оширилди, яқин ҳудудда яшовчи ногиронлиги бўлган болалар учун реабилитация маркази ташкил этилди, "Қўллаб-қувватлаш клуби" тузилиб, уларнинг ишлари мувофиқлаштирилди. Зулфия Дағаровадан камчиликлар ҳақида сўрадик.

Нутқиди нуқсон бора болалар учун томатис, дэнас терапиялари, электрон аравачалар, ётоқ болалар учун ўтиришга қўлай ўриндиқлардан фойдаланиб олиб борилган муолажалар яхши самара бермоқда.

Интернет орқали хорижий мамлакатлардаги ногиронлиги бўлган болаларга яратилган шарт-шароитларни ўрганганимда, уларда ётоқ болаларни кўтаришда фойдаланиладиган махсус кўтарувчи мосламалар борлигига гувоҳ бўлдим, — дейди З.Дағарова. — Ҳудди шундай мосламалар бизнинг муассасаларга ҳам олиб келинса, энгаларнинг иши энгиллаб, болаларнинг парваршиши янада яхшиланади.

Улардан бири Амина ҳозир 16 ёшда. У 2013 йилдан буюн Қаршидаги Мурувват интернат уйида яшаб келяпти. Аминанинг мақсади — тезроқ тузалиш ва уйига қайтиб, келажакдаги режаларини амалга ошириш.

Қумқўрғондаги Мурувват интернат уйининг ўзиди ўнлаб тиришқоқ бола бор. Улардан бири Қодир Раимқулов ҳозир 19 ёшда. У ҳунар ўрганиш билан бир қаторда ўзини спортда ҳам сынаб кўрган. Натижалар ёмонмас — спорт мусобақаларининг вилоят босқичларида камиди 2 ёки 3-ўринларни қўлга киритиб келяпти. "Машгулотларим шунчаллик кўпки, куннинг қандай ўтганини билмай қоламан", — дейди Қодир.

Улардан бири Амина ҳозир 16 ёшда. У 2013 йилдан буюн Қаршидаги Мурувват интернат уйида яшаб келяпти. Аминанинг мақсади — тезроқ тузалиш ва уйига қайтиб, келажакдаги режаларини амалга ошириш.

Қаршидаги ногиронлиги бўлган болалар учун Мурувват интернат уйида бугунги кунда 300 га яқин тарбияланувчи бор. Бу даргоҳдаги болаларнинг ҳам саломатлигида ўзгариш бўлаётганини эшитиб, кўнгли ёришади.

Ушбу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали талайгина. Соғлигини, моддий аҳолини ички ва ташқи таъсирларга кўра ўнлаб олмаётган юртдошларимиз кўп. Шу сабабли айнан мазкур йўналишда рақамлар билан алданиб қолмасдан, халқнинг ичига янада чўқурроқ кириш, муаммоларни юзга чиқариш ва ҳал этиш муҳим вазифа. Чунки биз андишасиз кучли миллатимиз — ўзимиз учун бирор эшикни тақиллатиб бориш, дардимизни айтишдан тортинамиз. Шунинг учун ижтимоий ҳимоя ҳодимлари бу йўлда янада собитқадим бўлиши, аини муудо. Токи мамлакатимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмасин, ҳеч ким ўзини ватан тараққиёти йўлида кераксиз ҳис этмасин.



юрт тузидан осонгина кечиб, ёш жонига жабр қилмасин. Бегуноҳ инсонларнинг уволига қолмасин, зийрак бўлишсин!

Ахир юртимизда яшаш учун ҳамма шароитлар бор. Шундай экан, ўқи, ишла, излан, юрт кез, кам бўлмайсан. Майли, бой бўлма, катта тадбиркор ёки зўр олим бўлма, оддийгина одамгарчилиги бор, меҳнатқаш, ҳалол инсон бўл, ҳаловатда яша!

Ота-боболаримиз меҳнатда, ҳаракатда гап кўп дейишган, қани энди ҳозир ҳам куч-қувватини бўлса-ю, яна ўқувчиларга сабоқ берсам, томорқамда маза қилиб ер чопсам, ислохотлар қозонида қайнаб, янгиликлар яратсам, афсуски, йиллар ўз ҳукмини ўтказар экан...

Шу муборак рамазон кунларида айтган сўзларим ҳеч кимга малол келмасин, айниқса, эр йигитлар ўз номига доғ туширмасин, тану жони соғ бўлсин-у юрт қорига ярасин. Илоҳим, обод ва озод, хур диёримизга кўз тегмасин, юртимизга ганим яқинлашмасин, йўқчилик бўлмасин. Азиз ва муқаррам заминимизда ҳаммиса ҳамжихатлик, ҳамдўстлик ва шоду хуррамлик ҳукм сурсин. Ўзбек йигитларининг ҳалол ишлаб топган пуллари фақат яхши кунлар, яхшиликлар ва тўйларга буюрсин!

"Янги Ўзбекистон" мухбири Гуличеҳра ДУРДИЕВА ёзиб олди.



9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

## ёхуд “жаннат ариқлари” бўйлаб ташкил этилган боғ-саройлар сурури

Амир Темур ўз замонасининг буюк жаҳонгир бўлиши билан бирга, улкан бунёдкори ҳам эди. Муҳими, бунёдкорлик ва маъмурчилик ишлари нафақат она Ватани Туронда, балки ундан узоқда ҳам муваффақиятли йўлга қўйилган. У бузилган ва талафотга юз тутган Бағдод шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Озарбайжондаги Дарбанд қалъаси ва Бойлакон шаҳарларини қайта тиклаш, янги жамоат бинолари куриш, Кобул водийси ва Мугон чўлларида, Озарбайжоннинг Арс дарёсидан чўлга канал қазиб сув чиқариш ишларини амалга оширди.

**Аҳтам ЎРОЛОВ,**  
Самарқанд давлат  
архитектура-қурилиш  
университети профессори,  
архитектура фанлари доктори

Хуросон ҳудудидagi Балх шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш. Хитой чегараларида жойлашган узоқ Ашпара шаҳри ва Хумра қалъасини маъмур этиш каби улкан бунёдкорлик, таъмир ва ободончилик ишлари ҳам шулар сирасига кирди. Темурнинг нигоҳи, меҳри тушган, таъмир ва маъмурчиликка муҳтож ерлар хоҳ Туркистонда бўлсин, хоҳ ўзга юртларда унинг ҳиммати ва эътиборидан четда қолмади.

**Мусаввирлик, хаттоглик юксак санъат даражасига кўтарилди**

Амир Темур даврида халқ амалий санъатининг барча турлари, айниқса, мусаввирлик, хаттоглик ва нақшошлик юксак санъат даражасига кўтарилди. Самарқанд ва Шаҳрисабзда шаҳарсозлик, меъморлик, санъат, дин, маданият, илм-маърифат тенгсиз ривож топди. Пештоқ ва Гумбаллар, миноралар биноларга маҳобат бахш этувчи асосий шакллarga айланган. Гумбалларнинг ички ва ташқи кўринишига эътибор кўчайтирилди. Бино шакллари ва қисмларини бир-бирига ҳаммаҳаб ва уйғун, миксёй ўлчовларда шакллантириш авж олдирилди. Бу эса, ўз навбатида, бино қисмлари ўлчовларини мутаносиб нисбатларда бўлишини, бино эса меъморий жиҳатдан шаклан мукамал ва гўзал чиқишини таъминлади. Қурилиш муҳандислиги ютуқлари ҳам меъморликнинг янада раванга топишига яқиндан ёрдам берди.

Темур даврида яратилган ўзаро кесилувчи равоқ гиштли қурилмалар — “зарба линга” кенг ва баланд хоналарнинг томларини ёпишда, уларнинг ички ва ташқи кўринишини маҳобатли қилиб ишлашда қўлланилди. Меъморликка таъбиқ этилган хаттоглик санъати ривож топшиши эса бино ва иншоотларнинг янада мунаққаш ва сержило яратилишини таъминлади. Нақшкорликда гириҳ, ислимий ва ҳусниҳат безакларидан ташқари мукарнас ва кундал услублардан кенг фойдаланилди. Бинолар яқиндан ва йироқдан кўришга мўлжалланган нақшлар билан безатилди.

Амир Темур Марказий Осиёда қадимдан мавжуд бўлган маданий анъаналарни ривожлантиргани ҳолда, Самарқанддаги саройига санъат, маданият, илм-фан ва ҳунар аҳлларини йиғиб, уларга кенг ижодий ва моддий имкониятлар яратиб берди. Кўксаройда салтанатга хос улкан илмгоҳ — кутубхона ташкил этиб, уни олимлар ихтиёрига топширди. Самарқанд ва Шаҳрисабзда ёш авлодга таълим олиши учун шароит яратди, мадраса хонақоҳлар қурилишига хайрихоҳ бўлди.

Амир Темурнинг жаҳон боғ-истирохатчилик санъати ривожига хизматлари ҳам алоҳида диққатга сазовор. Марказий Осиё халқларига қадимдан маълум бўлган чорбоғ оройиши амалиёти бу ўлкада 150 йилга яқин давом этган мўлжаллар истилоси даврида тамоман тўхтаб қолган ва даярли унут бўлган эди. Соҳибқирон Марказий Осиё халқларининг бу нодир амалиётини нафақат яқиндан ривожлантирди, балки уни боғ-истирохатчилик ва боғлар оройиши санъати даражасига кўтарди. Темур шаҳар ичи майдонларидаги мўъжаз боғлар билан чегараланмай, шаҳар атрофларидаги хушманзара жойларда катта истирохат боғлари — чорбоғларни, улардаги турли гўзал оройишлар ва боғ зийнатларини авж олдирилди.

Темур даврига келиб, чорбоғ услуби янгича маъно касб этди. Энди у кўрғонча ичига ёнма-ён жойлаштирилган тўртта мўъжаз боғ эмас, балки дунёнинг тўрт тарафига кетган “жаннат

ариклари” бўйлаб ташкил этилган кўп қисмли истирохат боғ-саройларига айланди. Боғнинг таркибий қисмлари — чорчаман, хиебон, ҳовуз-фавворалар, сарой ва кўшқлар, шийонолар ва уларнинг жойлашиши жойнинг паст-баландлигига, ариқлар йўналишига қараб аниқланди. Боғлар тахминий шакллантирилмай, пухта ўйланиб, меъмор ва боғбонлар тузган режа ва тарҳлар асосида яратилди.

Боғлардаги дарахт ва гуллар, буталарни танлаш ва экиш, қурилишларга оройиш бериш, айниқса, фаввора ва шалолалар, сарой ва кўшқлар куриш ишларига катта аҳамият берилди. Улардаги дарахтлар турини танлаш, бир-биридан кейин очиладиган мавсумий гуллар, манзарали ва мевали дарахтларни аралаш экиш, хуллас, замонавий тил билан айтганда, ландшафт дизайнига, боғлар оройиши ва орасалиққа эътибор берилди. Темурнинг ўзи Самарқанд шаҳри атрофида 13 та боғ яратди. Боғи Майдон, Боғи Баланд, Боғи Шамол, Боғи Нақшу Жаҳон, Боғи Дилқушо, Боғи Бўлди каби боғлар шулар жумласидандир.

**Конструктив мустақамлик оширилган**

Мирзо Улуғбек даврида қурилган иморатлар олдинги, хусусан, Амир Темур даври иншоотларига нисбатан меъморий шаклар мутаносиблиги ва композициявий яхлитлиги жиҳатидан тақомиллаштирилгани билан ажралиб туради. Улуғбек



давридаги обидлар ҳажми нисбатан ихчамлиб, конструктив мустақамлиги анча оширилган. Улуғбек, шунингдек, Шохизинда меъморий маъмусини яқинлашга муваффақ бўлган.

Темурий Хусайн Бойқаро замонасида (1469-1509) Ҳирот янада йирик, бой ва маданий шаҳарга айланади. Ҳирот даврида Темур шаҳри ва Хуросоннинг бошқа вилоятларида 12 мингдан ортиқ бино ва иншоот қурилди. Шаҳсан Хусайн Бойқаронинг ўзи ҳам масжид, мадрасаю хонақоҳ, карвонсарой, кўприклар, боғ-роғлар бунёд этди. Шунингдек, у маърифатларварлик ва маъмурчилик ишларини амалга оширди. Хусайн Бойқаро ҳаёти силлиқ кечмаган. У кўп хатотликларга ҳам йўл қўяди. Аммо унинг инсонийлик ва маънавий фазилатлари кўп бўлган.

Ҳирот шаҳри Темур ва Шохруҳ замонасида, кейинчалик Хусайн Бойқаро ва унинг дўсти Алишер Навоий даврида меъморлик, санъат ва маданиятнинг йирик марказларидан бирига айланади.

Шарқ халқлари табобатта оид турли муассасалардан жуда қадим замонлардан бошлаб фойдаланиб келган. Жамоат биноларининг бу хилдаги намуналари қаторига шифохоналар, дохоналар, ҳаммомлар, гармобалар, шифобахш чашмалар ҳамда муассасалар (минерал сув, балчиқлар, иссиқ кум ва иссиқ сув воситасида

даволадиган муассасалар ҳамда обзхоналар) кирган.

Темурийлар даврида ҳам бундай муассасалар қурилиши анча ривожланган, бу темурийларнинг ўз халқи ҳаёти ва турмушига яхши маънавий қадриятлар билан ёндашганини, ўша давр даволаш муассасалари архитектураси эса темурийлар даври меъморий типологиясининг муҳим таркибий қисмига айланганини кўрсатади.

Баъзида шифохоналар ёнида мадрасалар қурилиб, мадраса ва шифохона бинолари яхлит бир таъбиқ академияси тарзида фаолият кўрсатган. Бунга мисол қилиб темурийлар даврида Ҳиротда Алишер Навоий томонидан Инжил каналли ёнида қурилган Шифоия шифохонаси ва Илхосия мадрасаси ҳамда Сафоя ҳаммомини кўрсатиш мумкин.

**Сув шифохонасига қиёс**

Хуросонда темурий Абу Саид Мирзо ва Хусайн Бойқаронинг Герируд тоғи этагидида таъбиқ сув булоғи бўйида қурган гармобалар комплекси ҳозирги тушунчалар билан таърифланса, аҳолини даволовчи сув шифохонасининг нақ ўзи эди. Бундай иморатлар темурийларнинг халқ саломатлиги, эзгулиги ва хайрия йўлида қилган саъй-ҳаракатларига исботдир.

Амир Темур ва темурийлар даврида маҳобатли деворий тасвирий санъат, миниатюра ва халқ амалий санъати кенг ривож топди. Афсуски, ушбу давр монументал тасвирий санъат намуналари сақланиб қолмаган. Тасвирий санъатнинг

давридаги обидлар ҳажми нисбатан ихчамлиб, конструктив мустақамлиги анча оширилган. Улуғбек, шунингдек, Шохизинда меъморий маъмусини яқинлашга муваффақ бўлган.

Темурийлар даврида иморатларини меъморий лойиҳалаш ва қуришнинг мукамал назарий асослари ҳам мавжуд эди. Бино тарҳини ишлашда миксёй ўлчов-модулдан фойдаланиш ва симметрия қонунига асосланиш, бино томонларини квадрат ва “олтин кесим” нисбатларида қиқариш, уларда мутаносиб уйғунликлари қўлланиш, меъморий безакларда гириҳ ва ислимий, мураккаб нақшлардан фойдаланиш, уларни узоқдан ва яқиндан кўринадиган нақшларга бўлиб ишлаш қондаларига амал қилиш энг оддий тартиблар қаторига кирган.

Амир Темур Туркистондаги Ҳўжа Аҳмад Яссавий мақбара-хонақосини бунёд эттирганда дастлаб унинг меъморий чизмасини тайёрлаб, асосий режавий-ҳажимий параметрларини ўзи қорачиқдек сақлаш ҳамда келажак авлодларга бус-бутун етказиш муқаддас бурчимиз эканини унутмаслигимиз зарур.

Шаҳрисабздаги Оқсарой ёки Самарқанддаги жоме масжид меъморий мажмуаларини бунёд этириши хусусида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Умуман, Темур ва темурийлар меъмор-муҳандислар билан иттифоқ тарзда иншоотлар бино эттирилган.

Темурийлар даврида меъморлар ўтмишдошларининг илгор тажриба ва анъаналарини давом эттирибгина қолмай, балки ўзлари ҳам келажак авлодлар учун бой маданий мерос ва меъморий санъат дастурини яратиб қолдиради ва ривож топтиради. Бунда, айниқса, меъморларнинг назарий ва амалий ҳандаса, арифметика ва тригонометрия илмларини билгани, бадий ва ижодий етуқлиги муҳим роль ўйнайди.

Мазкур давр архитектурасига хос бўлган меъморий бинолар давлат мақоми ва қудратига мос маҳобатли ва мунаққаш, гўзал. Улар композициясида меъморий яхлитликка, симметрия, ритм, меъморий шаклга ва ранглар мутаносиблигига эришилди. Биноларни куришда бир-бирдан ажратган ҳолда эмас, балки уларни туркумлаш, яъни бинолардан тузилган гўзал гулдаста (меъморий мажмуа) ансамбллар яратилди.

Темурийлар даврида қурилган ҳар бир бино архитектура, асосан, беш қисмдан — бино курсиси, пештоқ, бино вужуди, иморат тарзи бурчакларидаги минорасимон бурж (гулдаста) лар ва бино қисмларининг бадий тугаллик шаклларида тузилган. Ана шу хусусият темурийлар даврида қурилган деврли барча биноларга хосдир. Яна бир хусусият бино пештоқидан кирилгач, тархи квадрат ёки бўйлама ўқли тўғри тўртбурчакли ички ҳовли бўлишидир. Фақат мақбаралар бундан мустаъзо.

Бунинг сабаби шунки, иссиқ ва кўрүк иқлимли мамлакатлардаги иморатлар ҳовлиси соя-салқин бўлиши ҳаётий эҳтиёждир. Ички ҳовлида кўш чикқандан то бутунга қадар ҳовлининг уч тарафига соя бўлиши таъминланади. Соянинг катталиги ва давомийлиги эрталабдан тушгача ва тушдан сўнг кечгача ошиб бориб, ҳовлида нафақат кўёқ сояни, балки салқинлики ҳам таъминлайди. Икклими иссиқ бўлмаган мамлакатларда эса бунга эҳтиёж йўқ. Бундан ташқари, ички ҳовли иморат ички муҳитининг атраф четдан мутлак ҳолигини ва осийшталганини ишончи таразда таъминлайди. Мана шу сабабларга кўра, темурийлар даври иморатлари ҳам одатда ички ҳовлили қилиб қурилган, десак хато бўлмайди.

Темурийлар даври архитектурасининг меъморий типологияси ва турлари шу қадар кенгки, уларгача Европа ва Урта Шарқнинг баъзи мамлакатлари бунёдкорлик амалиётида бундай бино ва иншоотлар турлари кенг тарқалмаган эди. Халқ саломатлиги ва гигиенасини сақлашни таъминловчи даволаш муассасалари (шифохоналар, дор уш-шифолар, дохоналар, ҳаммомлар, гармобалар) ҳамда сўлим боғ-саройлар ҳудудида алоҳида бино тарзида қурилган кўрғонча уйлар фикримиз далилидир. Булардан ташқари, темурийлар даврида шаҳрсон дарвозаларидан то унинг марказигача қўзилган узун, усти ёпиқ бозор кўринишидаги шаҳар савдо кўчалари ҳам қурилган (Самарқандда шаҳарнинг Оҳанин дарвозаси ёнидан то Регистонгача, Ҳиротда шаҳрсон дарвозаларидан то марказий чоррахагача қурилган усти ёпиқ савдо кўчалари).

Амир Темур ва темурийлар даврида нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун Урта Шарқда боғ-истирохатчилик санъати, айниқса, чорбоғ услуби юксак тараққиётга эришди. Чорбоғ услуби намуналари кейинчалик Бобур ва бобурийлар томонидан Кобул ва Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида, сўнгра Шоҳ Аббос даврида Эроннинг Исфаҳон шаҳрида қўлланилиб, янада тақомиллаштирилди. Шунингдек, бу санъат исломий ҳукмдорлар тасаруфидида бўлган даврда Испанияда ҳам ривожлантирилди. Темур яратган меъморий услуб ва боғ-парк санъатининг Испанияга ва ундан Европа мамлакатларига тарқалишида Испания қирролиги элчиси Клавихоннинг хизмати ҳам катта бўлди.

Бу хусусиятлар Амир Темур ва темурийлар даври архитектурасининг ўзига хос янги бадий-меъморий маъмуни ва моҳиятини, маънавий-ғоявий савиясини белгилаб берди ва бу ҳолат дунё олимлари томонидан “Темур услуби” деб баҳоланди ва тан олинди. Бу услуб ўша даврларда пойтахт шаҳарлар ҳисобланган нафақат Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот архитектураси, балки Урта Шарқ шаҳарларидаги ислом архитектураси йўналишини ҳам белгилаб берди. Бу услубнинг ўзига хослиги, янгилиги ва эмоционал жозибасига нафақат ўз даврида, балки ҳозирги авлодлар ҳам тан бериб келмоқда. Шундай экан, темурийлар даври архитектурасига алоҳида эътибор бериб, уни янада чуқур ўрганишимиз, бу бебаҳо меросни қадрашимиз, ўтмишдан бизгача сақланган меъморий ва моддий маданиятимиз обидларини ва ёдгорликларини кўз қорачиқдек сақлаш ҳамда келажак авлодларга бус-бутун етказиш муқаддас бурчимиз эканини унутмаслигимиз зарур.

## Буюк соҳибқиронимиз — Янги Ўзбекистонимиз

Эй ота юрт, туганмас хаёлларга чўмдик биз,  
Гоҳ қувондик, гоҳ дилга аламларни кўмдик биз.  
Она тупроқ гувоҳдир шонли, шонсиз дамларга,  
Ҳаммасини кўрдик, лек кўзимизни юмдик биз.  
Худо бир, Расул барҳақ, Ватан, миллат томонимиз,  
Бобоси Соҳибқирон, авлоди Темурхонимиз.

Оҳ қанчалар синовни, машаққатни кўрган халқ,  
Эътиқоди ҳамиша соғ-саломат турган халқ.  
Кенгаш, машварат билан давлат барпо айлаган,  
Ҳаётни мутлак янги ўзанларга бурган халқ.  
Тарих тегирмонидан бутун чиқдик, омонимиз,  
Бобоси Соҳибқирон, авлоди Темурхонимиз.

Ҳазрати Амир Темур — Аллоҳнинг мард аскарари,  
Миллатнинг саркардаси — энгилмас зўр лашқари.  
Куч — адолатда деган даъватни шиор этиб,  
Ватан, миллат, жасорат дарсидир “Тузуқлар”и.  
Барчамиз юрт қалқони, тинчлигига посбонимиз,  
Бобоси Соҳибқирон, авлоди Темурхонимиз.

Пок дилларнинг кўзига нурдай оққан Оқсарой,  
Ҳасадгүй фосиқларни хасдек ёққан Оқсарой.  
Қудратимизга шубҳа қилганлар билиб қўйсин,  
Жаҳонга жаҳонгир зот бўлиб боққан — Оқсарой.  
Минг шукр, кўҳна замин кўксига шараф-шонимиз,  
Бобоси Соҳибқирон, авлоди Темурхонимиз.

Улуғбек сирлашади ҳамон юлдузлар билан,  
Олам кезмоқда Бобур ишқ тўла сўзлар билан.  
Навоийдек султонлар, шохларни берган халқим,  
Озодлик яшай олмас букилган тизлар билан.  
Хуррият — биз абадий узилмайдиган жонимиз,  
Бобоси Соҳибқирон, авлоди Темурхонимиз.

Асл фарзанднинг эл-юрт, Ватан бўлар матлаби,  
Бургутдай парвоз айлар, ҳайбати арслон каби.  
Токи бир тану бир жон экан халқ ва армия,  
Темурбеклар камоли — темурбеклар мактаби.  
Ҳаётбахш дарёларимиз — бирлашиб бир уммонимиз,  
Бобоси Соҳибқирон, авлоди Темурхонимиз.

Халқим, мардсан азалдан, номардга сўз тегмасин,  
Юрт бахтини кўролмас нокаста рўз тегмасин.  
Жаҳон билан бўйлашган улкан мамлакат — Ватан,  
Келажакни кўзлаган давронга кўз тегмасин.  
Ҳаммамиз Амир Темур, Буюк Соҳибқиронимиз,  
Буюк Соҳибқиронимиз — Янги Ўзбекистонимиз.

Ғайрат МАЖИД

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограф” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1162.  
44543 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет услубида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограф” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов  
Мусаххич: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй